



Абдуқайюм АЗИМОВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент Ислом институти ректори

МУЪТАБАР ДАРГОҲ

Жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолга эришганидан сўнг динимиз, миллий кадриятларимиз, қадимий урф-одатларимиз қайта тикланди. Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайити каби байрамларимиз бунга мисол. Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Амир Темур, Ҳожа Аҳрор Валий, Абдуҳолик Гиждувоний, Имом Бурҳонуддин Марғиноний, Имом Абу Мансур Мотуридий каби буюк аждодларимиз таваллуд тўйлари нишонланди.

Тарихий-маданий меросимизнинг чинакам ворислари бўлган толиби илмларга мадрасалар ва кўҳна илм даргоҳлари таъмирлаб қайтариб берилди.

Маълумки, илмга ва илмли кишига азал-азалдан катта ҳурмат билан қаралган. Улар ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлганлар. Илмли кишиларни етказиб берган табаррук даргоҳлар, ўтмиш қаъридан оламга нур тартиб келган мадрасалар ҳам халқ эъзозиде бўлган. Диёримизда ягона ҳисобланган Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ҳам шулар жумласидандир. Институт 1971 йил октябрида фаолиятини бошлаган эди. Уни ташкил этишда марҳум устоз, аллома, дин арбоби, собиқ Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Зиёвиддин ибн Эшон Бобоҳон ҳазратларининг хизматлари беқиёсдир.

Тошкент Ислом институти тарихига бир назар ташлайдиган бўлсак, бу илм даргоҳида Ўзбекистондан ташқари ҳозирги ҳамдўстлик давлатларидан, бир қатор хорижий мамлакатлардан келган талабалар ҳам таҳсил олганлар. Улар бу ерда Зиёвиддин ибн Эшон Бобоҳон, Исмоил Маҳдум Соттиев, Шоикром Шоисломов, Абутороб Юнусов, Юсуфхон Шокиров, Абдуғани Абдуллаев каби забардаст уламолардан сабоқ олганликларини ҳозиргача фахр билан эслашади.

Институт илк бор фаолият бошлаган даврда талабалар сони 20 га яқин бўлган. Кейинчалик эса 50 нафарга етган. Ҳозирда улар сони 300 дан зиёддир.

Республикаимиз мустақилликка эришиб, динимизга ва дин аҳлига катта эркинликлар берилгач, мазкур илм даргоҳида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Масалан, институт ўқув жараёнини Давлат таълим стандартига яқинлаштириш борасида катта ишлар қилинди. Дарслар янги намунавий ўқув режаси бўйича олиб борилмоқда. Яқинда институтда иккита – Дин асослари ва Ислом ҳуқуқшунослиги ва тарихи факултетлари очилди, Диний фанлар, Тиллар ва Ижтимоий-табиий фанлар каби кафедралар ташкил қилинди.

Институтнинг мақсади «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига таянган ҳолда мавжуд эҳтиёжларга асосан динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, Ислом дини асосларини ўзлаштирган, инсонпарварлик, халқпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбияланган, илмларига амал қиладиган, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган, истиқлол гоъяларига чуқур эътиқод руҳида тарбия олган олий маълумотли исломшунос, имом-хатиб, одобнома ва араб тили мударрисларини тайёрлашдан иборатдир.

Умар ибн Абдулазиз Абу бакр ибн Ҳазмга бундай деб ёзган эди: **«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтган сўзлардан нимаки бўлса, ҳаммасини кўриб чиқиб ёзиб юборғил, чунки мен уламоларнинг вафотидан сўнг илмининг йўқ бўлиб кетишидан қўрқайтирман. Фақат Расулulloҳ ҳадислари қабул қилинсин! Уламолар илм ўргатишга, илм тарқатишга киришсинлар, билмаганларга ўргатсинлар, зеро илм сир тутилмас экан, ҳалокатга учрамайди!»**

Бухорий ривояти

Ҳозирда институтда толиби илмлар Ислом дини тарихи, Қуръони карим, фикҳ, тафсири, ҳадис, балоғат, фароиз, ақоид фанлари билан бирга дунёвий илмлардан ҳам сабоқ олмоқдалар. Шунингдек, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Ҳурматли Президентимиз айтганларидек, **«Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттиришда...»** институти-миз мураббий-устозлари ҳам камтарона ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қиляптилар.

МУНДАРИЖА

Ислом институти 30 ёшда
Абдуқаюм АЗИМОВ
Муътабар даргоҳ1

Ислом институти 30 ёшда
Аброр МУХТОР АЛИ
Илм дунёда қувват, охиратда шарафдир4

Амри маъруф
Миён Солиқ РАББОНИЙ
Нишониси имон эрур6

Ислом ва олам
Кузбасда мусулмонлар жамоалари8

Бугуннинг гапи
Наргиза ИСМАТОВА
Мактабларда диншунослик: бугуни
ва истиқболи10

Тафсир
Уста ОЛИМ
Дуогўй дуо қилса12

Ибратли ривоятлар
Берган ризқингга қаноатли қил13

Оналар ва болалар йили
РАЙҲОНА
"Бухорийгинам..."15

Олисларга сасъат
Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги16

Дунё билан буйлашамиз
Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН
Косонсойда шундай корхона бор18

Ҳидоят тошганлар
Абдусаммад ИСҲОҚОВ
Тургунбой буванинг бахти19

Шеърят
Ошиқ УМАР
Кездим дунёни сарсари20
Фурқат НИЁЗ
Турт жавҳар21
Абдурахмон ҲУСАНОВ
Халқим эккан тераклар21

Адабиёт
Эркин МАЛИК
Кутилган ташвиш24

Тақриз-туйхат
Аъзам УКТАМ
Шайтонни таниб олинг, болалар24

Суранг, жавоб берамиз27

Адабий таҳлил
Жаъфар ХОЛМУМИНОВ
Тавҳидий тафаккур куйчиси28

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ножоиз жойларга
ташламаслигини сўраймиз

Ислом институти 30 ёшда

4

**ИЛМ ДУНЁДА ҚУВВАТ,
ОХИРАТДА ШАРАФДИР**



Тошкент Ислом институти
30 йиллик фаолияти мобай-
нида асрга татигулик давр-
ни босиб ўтди. Шукрим,
бугун ҳам институт дарсхона-
ларида таълим-тарбия жара-
ёни қизғин давом этмоқда.

Ҳадис истилоҳлари
Уста ОЛИМ

6

КАМОЛОТ КАФОЛАТИ

Хаёлни амалга ошириш ё оширмаслик
ҳақидаги ўй *кўнгил гапи* ё *ҳадисун нафс*
ҳисобланади. Хаёлни амалга оширишга
бўлган истакнинг кучайиши «*ҳамм*» ёки
қасд деб номланиб, унга киришишга қатъ-
ий жазм — *ғазм* дейилади.

Тобеинлар ҳаётидан лавҳалар

8



«Кимки жанна-
ти одамни кўр-
моқчи бўлса, Ур-
ва ибн Зубайрга
қарасин».

Абдулқадир
ибн Марвон

Муслмон одоби
Муҳаммад СИДДИК

11

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Махсига ва жароҳатга масҳ тортиш

Агар иссиқ сув билан ювиш ҳам зарар етказса, бевосита бадандаги жароҳатнинг ўзига масҳ тортилади. Бу ҳам зарарли бўлса, унга боғланган докага масҳ қилинади.

Қуръон ва фан

14

БЎЛГУСИ ФАРЗАНДИНГИЗ ЎГИЛМИ, ҚИЗМИ?

Афсуски, баъзи оилаларда кетма-кет қиз фарзанд туғилаверса, айбни фақат хотинига кўядиган эрлар бор.

Муъжаз тадқиқот

22

ҚУРЪОНИ КАРИМДА ҲАРФЛАР, СЎЗЛАР ВА СОНЛАР ТАВОФУҚИ



Қуръони каримда «*ўлим*» (ал-мавт) сўзи ва ундан ясалган сўзлар (тирик мавжудотларга нисбатан) 145 марта такрорланади ва айна пайтда «*ҳаёт*» (ал-ҳаёт) ва ундан ҳосил бўлган сўзлар ҳам 145 марта такрорланган.

Юрган дарё
Улуғбек РАСУЛОВ

30

ҲАР ОН ЮРТНИ СОҒИНДИМ

Олмония таассуротлари



«HIDOYAT»
Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон муслмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Фозил қори СОБИР
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Сирожиддин АХМАД
Абдуқаюм ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАСАН
Абдулжалил ХУЖАМ
(Бош муҳаррир уринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМҲОН ўгли
тайёрлади.
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўгли
Тартибловчи
Қудрат ЖУМА ўгли
Компютерчи
Мунира МАСЪУДАЛИ қизи
Мусаҳҳиҳа
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:
Фаргона вилояти – 8. 3732. 24–25–28
Директори Салоҳиддин Нуриддин
Андижон вилояти – 8. 3742. 24–34–04
Директори Уктам ҳожи Умурзоқ


Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккуча, 47а-уй, Тел: 40–17–97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қумитасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2001 й., 11 октябрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2001 йил 16 октябрда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108 1/16. Адади 5000 нусха.
165-сон буюртма билан «KONI NUR» МЧЖ да
босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Муқимий
кучаси, 178-уй.

Интернетдаги манзилимиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилин-
майди. Мақолалар хат орқали юборилганда
исми шарифлар тулиқ ёзилиши, манзил тугри
курсатилиши шарт.



Тошкент Ислом институти 30 йиллик фаолияти мобайнида асрга татигулик даврни босиб ўтди. Шукрким, бугун ҳам институт дарсхоналарида таълим-тарбия жараёни қизғин давом этмоқда.

Қуйида институт тўйи муносабати билан мударрислар, талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини эълон қиляпмиз.

Тошкент Ислом олий маъҳадининг собиқ талабаси Абдулҳамид Турсун :

– Даҳрийликка асосланган совет сиёсатининг Исломга ва мусулмонларга тазйиқи ва қаршиликлари жуда қаттиқ

ҳолда инсоният учун манфаат етказишга ҳаракат қилинг. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: **«Илм дунёда қувват, охиратда шарафдир».** 1997 йили Ислом институ-

моқда. Шу давр мобайнида мустақил давлатимиз ёшларига диний ва дунёвий илмлар бериш билан бирга, Қуръони каримни тўла-тўқис ёдлатишга астойдил ҳаракат қилинди ва ўтган ўқув йилида илк бора 11 нафар қори талабалар ўқув юртимизни би-тириб чиқишди. Улар олий-диний маълумотли ҳофизи Қуръонлардир. Келажакдаги ниятларимиз, талабаларимизни мустақил Ватанга содиқ инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни соҳаларининг етук ва билимдон кишилари бўлиб етишишларини таъминлашдир. Маълумки, кўпгина Ислом мамлакатларида ҳар йили анъанавий Қуръон мусобақалари ўтказилиб турилади. Шундай анжуманларга қатнашиш орзуимиз ҳам йўқ эмас.

ИЛМ ДУНЁДА ҚУВВАТ,

бўлган. Шунга қарамай, маъҳаднинг битирувчилари Аллоҳ таолонинг изни-иродаси билан Ислом дини учун жонқурлик қилар эдилар. Ислом олий маъҳадининг 30 йиллиги муносабати билан кечаги кунимизни эсласам, кўзимга ёш келади ва илм толибларига ушбу насиҳатни қиламан. Азиз талабалар! Бугунги ҳуррият ва тинчлик давримиз имкониятидан фойдаланиб, Пай-

ти қошида диний ва дунёвий илмлар билан бир қаторда Қуръони каримни тўла ёдлатишга ихтисослашган Таҳфизул Қуръон бўлими иш бошлади. Бу йил ўтказилган қорилар мусобақасида Таҳфизул Қуръон бўлимининг 10 нафар талабаси ҳам қатнашди ва фахрли ўринларни олишди.

Мазкур даргоҳнинг бўлим мудир Саид Жамол Масаидов:

Таҳфизул Қуръон бўлими дастлабки қалдирғочларининг фикрлари:

Мансур Яъқуб (1979 йили Самарқандда туғилган):

– Қуръони каримдан бир пора ёдлаган, тафсир илмидан эса, деярли хабарсиз эдим, фикр бобида «Мухтасарул виқоя»нинг таҳорат ва намоз китоблари доирасида, сарф ва наҳвдан ҳам бошланғич маълумотга эга эдим, холос. Илмимни чуқурлаштириш учун бу ерга ўқишга кириб, Қуръони каримни тўла ёд олдим, тафсир илмидан ибни Касирнинг (р.а.) «Тафсирул Қуръанил Азим» китобини, Мухаммад Али Собунийнинг «Равоиъул баён» китобларини, ақоиддан Имом Аъзамнинг (р.а.) «Ал-Фикҳул Акбар», фикрдан Бурҳониддин Марғинонийнинг (р.а.) «Ал-Ҳидоя» асарларини тўлалигича ўқиб чиқдим. Буларга қўшимча Ислом динимизга, тарихимизга оид яна бир қанча китоблардан хабардор бўлдим. Шунингдек, дунёвий илмларни, инглиз тилини ўргандим, компютер технологияси билан шуғулландим.



ғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қолган бебаҳо меросни ихлос билан эгаллаб, Аллоҳ таолодан шу йўлда сабот-матонат сўраган

– Бешинчи йилдирки, пойтахтнинг Ўрикзор даҳасида Тошкент Ислом институтининг мўъжазгина Таҳфизул Қуръон бўлими фаолият кўрсатиб кел-

**Мирсодиқов Нуруллох
(1977 йили Тошкент вилоя-
тида таваллуд топган):**

– Тўрт йил талабалик мен учун олтин давр бўлди. Бу даврда араб ва инглиз тилларини ўргандим, тафсир, ақоид, фикҳ илмларидан яхши хабардор бўлдим, давлат ҳуқуқлари, компютер илмлари, муаллимлик усуллари ва бошқа турли дунёвий илмларни ҳам чуқур ўргандим. Энг муҳими, Аллох таолонинг Каломини ёд олиш бахтига эришдим.

2000 йилдан бошлаб Ислом олий маъҳадини битирган талабалар жаҳон талабларига жавоб берадиган, мамлакатимиздаги ҳар қандай диний ва дунёвий муассасаларда иш-



ган нотўғри тушунча бор. Ҳолбуки, ҳар бир шахс ўзининг ҳаётини маълум бир эътиқод асосига қуриб олади ва шунга қараб ҳаёт кечиради. Мисол учун, даҳрийлар динни умуман инкор этиб, уни хурофотга чиқариша-

**Тиллар кафедрасининг
муdiri Юсупов Каримуллох:**

– Кафедраимиз талабаларга асосан миллий истиқлол ғояси, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, иқтисодий назария, диншунослик, сиёсатшунослик, хорижий

ОХИРАТДА ШАРАФДИР

лаш ҳуқуқини қўлга киритди. Яъни, шу йилдан ўқишга кирганларга бакалавр унвони бериладиган бўлди. Бундан буён институт қошида Диний фанлар, Тиллар, Ижтимоий ва табиий фанлар кафедралари фаолият кўрсатади.

Диний фанлар кафедрасининг муdiri Алишер Турсунов:

– Диний фанлар кафедраси институтимизнинг энг катта йўналиши ва ихтисоси ҳисобланади. Мақсад Ватанимизга диний илмлар бўйича етук мутахассислар етказиб беришдир. Дарвоқе, кўпларда, Исломни ўрганган инсон дунёдан узилиб қолади, де-

ди. Бу билан улар фақат шу дунёнинг ўзигагина боғланиб, охиратдаги ҳисобни эсдан чиқаришади ва ер юзида хиёнатдан, бузғунчиликдан бошқа иш қилишмайди. Аммо Исломни ўрганган киши бу дунёсини худди абадий яшайдигандек обод қилади. Охирати учун, худди ҳозир ўладигандек, адолат ва инсоф чегарасидан бир қарич ташқарига чиқмайди. Зеро, у Аллох таолонинг ўт азобидан қўрқади ва ундан паноҳ тилайди: «Эй Раббимиз, бизларга бу дунёдаги ҳамма яхшиликларни ва охиратдаги ҳамма яхшиликларни бергин ҳамда бизларни ўт азобидан асрагин» (Омийн).

тиллар, педагогика ва бошқа бир қанча туркум дунёвий фанлардан атрофлича маълумот бериб, уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришни, келажакда ўзларининг миллий ғояларини турли тилларда бутун дунёга еткази олиш имкониятлари билан таъминлашни мақсад қилиб олган. Чунки Ватанимиз келажакнинг буюк ва порлоқ бўлиши жуда кўп жиҳатдан тил биладиган маърифатли ёшларимизга боғлиқдир.

Ижтимоий ва табиий фанлар кафедраси муdiri Илҳом Абдуллаев:

– Кафедраимизда информатика, экология асослари ва ҳозирги замон табиий фанлар концепсияси чуқурлаштирилган ҳолда талабаларга ўргатилади. Ниятимиз бугунги фан ва технология эришган ютуқлардан ўқувчиларни хабардор қилиб, республикамиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш зарурлигини тушунтиришдир...



2-босқич талабаси
Аброр МУХТОР АЛИ
тайёрлади.

Уста ОЛИМ

КАМОЛОТ КАФОЛАТИ

Инсон ҳаёт экан, нималарнидир билишга қизиқиб, нималарнидир истаб кунини ўтказди. Бунинг боиси унинг қалбидаги икки қувват — билиш ва истаб қувватларининг тўхтовсиз фаолиятда бўлишидир. Инсоннинг камолоти ана шу қувватларни икки дунёда фойдали жабҳага йўналтириб дунё фаровонлиги ва охират саодатига эришишдадир. Бунинг учун билиш қувватини ҳақни идрок этиш, уни ботилдан ажратишга, истаб қувватини эса ҳақни излаш, уни ботилдан устун қўя билишга ишлатиш лозим. Шунинг учун ҳам жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: *«Ҳеч бирингиз истаги мен келтирган йўлга тобеъ бўлмагунича комил имонга эришолмайсиз»*.

Имон комиллиги инсон камолотининг кафолатидир. Билиш ва истаб қувватлари тўхтовсиз фаолиятда экан, баъзида инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган фикрлар туйқус каллага келиб қолади. Буни араб тилида *ҳожис* дейилади. Агар у давом этса, *хотирга* айланади. Хаёлни амалга ошириш ё оширмаслик ҳақидаги ўй *кўнгил гапи* ё *ҳадисун нафс* ҳисобланади. Хаёлни амалга оши-

ришга бўлган истакнинг кучайиши *«ҳамм» ёки қасд* деб номланиб, унга киришишга қатъий жазм — *ғазм* дейилади.

Ҳожис учун инсон масъул бўлмаслигини барча уламолар таъкидлаганлар. Аллоҳ таоло мусулмонларнинг кўнгил гапларини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳурматларидан афв қилгандир. Бу ҳақда ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилинади.

«Аллоҳ таоло умматининг кўнглидаги гапларини, агар уни тилга чиқармаса ё амалга оширмаса, кечиргандир».

Ҳаммга (қасдга) келсак, ҳадиси қудсийда марҳамат қилинганидек, агар яхшиликка бўлса, уни амалга оширмаса-да, бир яхшилик ёзилди, ёмонликка бўлса, ёмонлик ёзилмайди. Аммо бу охири ҳол, таъбан ёмонлик ҳисобланади. Алломалар: *«Ёмонликка ҳамми Аллоҳ таоло учун тарк қилса, бир яхшилик ёзилади»*, дейдилар.


Ёмонликка ғазм ёмонлик қилиш билан баробардир. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Бир-бирига қилич кўтарган мусулмоннинг иккиси ҳам оташдадир»*, дейдилар. Ўлдирганнинг дўзахи эканлиги маълум, ўлдирилганининг дўзахи бўлишига сабаб нима, деб сўрашганида жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Унинг ҳам ғазми ўлдирши бўлганида»*, деб жавоб қилганлар.

Инсон турмуши унинг билим ва истаклари инъикоси экан, ҳақни билиб ва ҳақни истаб, ҳақиқий инсоний ҳаёт кечиришга Аллоҳ барчамизни муяссар айласин. Омин.

Амир маъруф

Миён Содик РАББОНИЙ,
фалсафа фанлари номзоди, дотсент

НИШОНАСИ ИМОН ЭРУР



Амир Темур ҳазратлари ўз даврида «Соҳибқирон» унвонидан ташқари, Исломни ёйиш ва шариатни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари учун уламолар фатвоси билан «Кутбиддин» унвони билан ҳам шарафланган. Тўққиз яшарликларидаёқ ўттиз пора Каломуллоҳни ёд олиб,

ҳофизи Қуръон бўлиб етишган, Калому Ҳадис илмларидан чуқур билим ҳосил қилган буюк бобокалонимиз Имонга қуйидагича таъриф беради: *«Имон инсонни барча жонликлardan ажратиб турувчи хусусиятдир»* («Амир Темур ўғитлари», Тошкент, 1992, 57-бет). Алишер Навоий ҳазратлари айни таърифни назмда шундай ифода қилганлар:

*Кимки жаҳон аҳлида Инсон дурур,
Билки, нишона анга Имон дурур.*

Соҳибқирон дейди: *«Имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг орномусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат деб билади»* (Ўша асар, ўша бет).

Бунинг учун илм зарурдир. Инсон Аллоҳ марҳамати ила ато этилган бебаҳо ҳазина — китоб билан бир умрга дўст тутиниши, доимо уламою фозил кишилар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилиши, эл-юрт, халқ орасида эзулик

Шайх Устувоний конгресда

Амриқо Қўшма Штатлари Конгресининг навбатдаги мажлисларидан бири исломий дуо билан очилди. Дуо қилиш учун бу ерга Шайх Бисом ал-Устувоний таклиф этилди. У Амриқодаги энг катта масжидлардан бири «Дорул-җижа» жомеъи бошқарувининг аъзосидир.

Виржиния штати вакили Том Девид хайрли дуо қилгани учун шайх Устувонийга ташаккур изҳор этди ва Амриқо тараққиётида Ислом марказларининг ўрни катта эканини айтди. Шунингдек, мажлисда Амриқо исломий алоқалар мажлисининг ижрочи мудир Наҳод Аваз сўз олиб: «Бугун Амриқо жамияти ва сиёсатига мусулмонларнинг таъсири кучаймоқда. Бу ҳол ўтган Президент сайловларида айниқса яққол кўзга ташланди», дея таъкидлади.

Лордлар палатасида жума намози

Буюк Британия Лордлар палатасининг аъзоси, лорд Назир Аҳмад Палатада жума намозини ўқиш имконияти юзага келганини, шунингдек, Палатадаги мусулмонлар учун мунозара тўғарақлари ташкил этилганини таъкидлаб ўтди. Мусулмонларнинг бундай йиғилишларида Британия Ички ишлар вазири Жак Сатро, мухолифат раҳбари Вилям Ҳик каби кўзга кўринган сиёсатдонлар ҳам қатнашишмоқда.

Британиядаги мусулмонлар аҳволи ҳақида гапира туриб, Лорд Назир Аҳмад, жумладан, шундай деди: «Мамлакатда мусулмонлар сони икки милёнга етади. Улар ўз кучлари билан икки

мингта масжид ва саксонта мадраса қуришган. Бугунги кунда мамлакатда яшовчи 160 нафар мусулмон маҳаллий мажлисларга аъзо бўлса, Лордлар Палатасида уч, Умумий Палатада эса, бир нафар мусулмон фаолият олиб бормоқда.

Кузбасда мусулмонлар жамоалари

Русиянинг Кемерово вилояти адлия идоралари томонидан янги марказлашган диний ташкилот «Жанубий Кемерово мусулмонлари қоziёт башқаруви» рўйхатга олинди. Бошқарма Прокопьевск, Киселевск, Белово ва Междуреченск каби шаҳарлардаги мусулмонлар жамоаларига раҳбарлик қилади. «Расули Ақрам» мадрасасининг битирувчиси Равшан ҳожи Темуров бошқарув расиси, Салавот ҳожи Кучумов эса унинг ёрдамчиси этиб сайландилар.

Илгарилари Кемерово вилоятининг фақат татарлар яшайдиган овулларидагина масжидлар бор эди. Эндиликда вилоят жанубидаги Кемерово, Белово, Осинник, Юрга, Ленинск-Кузнецк каби ўнлаб саноат шаҳарларида ҳам жоме масжидлари қурилди. Анжеро-Суженск шаҳрида яна бир масжид қурилиши давом этмоқда. Бу шаҳарларда мусулмонлар жамоалари, янги тузилган исломий ташкилотлар самарали фаолият юритяпти. Бу ҳол ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида мингтақада бошланган миллий ва диний ўзликни англаш жараёнларининг тезлашуви натижасидир, албатта.



Хориж матбуоти
хабарлари асосида
тайёрланди.

ва аҳилликни ёйишга интилиши, ёмонликка асло қўл урмаслиги, тубанлигу разолат кўчасига ҳеч қачон йўламаслиги, нодонлик ва жоҳилликдан ору номус қилиши лозим бўлади. Нодонликнинг йўриғи нисбатан осон. Негаки, киши астойдил қасд қилса, нодонлик иллатидан қутулиши мумкин. Аммо жоҳиллик башар бошига битган улкандан-улкан бало!

Нега одам боласи жаҳолатдан орланиши, бутун вужуди билан жирканиши лозим, деган савол туғилади. Фарбу Шарқнинг донишмандлари бир овоздан одамзотнинг азалдан то ҳануз бениҳоя аянчли кулфат-мусибати бор, у ҳам бўлса, жоҳилликдир ва унинг бирдан-бир давоси илмдир, дейишади. Дарҳақиқат, кишилиқ тарихида халқлар бошига ёғилган беҳисоб бахтсизлигу фожиаларнинг аксари шу туфайли юзага чиққандир.

Жаҳолат, бир донишманднинг таъбирича, инсондан ҳеч қандай меҳнат қилишни, заҳмат

чекишни талаб этмайдиган бекорчилик ҳолатидир. Шу боис доно халқимиз: «Бекор тургунча, бекор ишла!» дейиш билан ана шу балонинг пайини қирқишни кўзда тутган.

Олимларнинг аниқлашича, жаҳолатнинг уч тури мавжуд: ҳеч нарсани билмаслик, ҳамма билган нарсаларини ёмон, чала-чулпа билиш, лозим бўлмаган нарсаларни билиш.

Ислом бошдан-охир илм асосига қурилган ва у барча мўминларни бешиқдан то қабргача илм излашга чорлаб келади. Бугина эмас. Ислом илмни ибодат даражасига кўтарган бирдан-бир диндир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Илм ибодатдир. Тақво дининг тутиб турувчиси (устуни)дир**»; «**Ибодатнинг энг афзал илм талаб қилмоқликдир**», деб марҳамат қилганлар.

Аллоҳ таолонинг инояти ила ва иқтидорли ёшларимизнинг саъй-ғайрати билан шоядки зоҳирий илмларда ҳам ватандошларимиз яна илгариги доврўқларини тикласалар.



УРВА ИБН ЗУБАЙР

«Кимки жаннати одамни кўрмоқчи бўлса, Урва ибн Зубайрга қарасин».

Абдумалик ибн Марвон

Кун асрдан оққан... Куёшнинг заррин нурлари Байтул Ҳарам билан хайрлашиш арафасида. Покиза саҳнда кечки салқин шабада эсишига бир оз вақт бор...

Бу пайт Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кекса саҳобалари ва улуғ тобеинлар «Ла илаҳа иллаллоҳ», «Аллоҳу Акбар» дея ҳавони титратиб, тинимсиз дуолар айтиб, Байтуллоҳни тавоф этадилар. Айни чоқда одамлар маҳобатли Каъбаи муаззама атрофига тўп-тўп бўлиб йиғиладилар. Каъбанинг гўзаллигидан кўзлар қувнайди, диллар диний суҳбатга мойил бўлади.

Ана, Каъба ёнида юзлари ёрқин, қомати кўркам тўрт нафар ўртоқ ўтирибди. Уларнинг иноқлиги масжид каптарларини эслатади.

Булар Абдуллоҳ ибн Зубайр, унинг укалари Мусъаб ибн Зубайр ва Урва ибн Зубайр ҳамда Абдумалик ибн Марвонлардир. Тўртовлон вазмин кайфиятда суҳбатлашар экан, улардан бири шундай таклифни айтди: «Келинг, ҳар биримиз шу ерда яхши кўрган нарсамизни Аллоҳ таолодан сўраймиз». Улар хаёл уммонига шўнғиб кетдилар: орзу-умидларнинг чексиз боғларида кеза бошладилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Мен Ҳижозни эгаллаб, халифа бўлишни хоҳлайман», деди. Укаси Мусъаб: «Мен Куфа ва Басрага эгалик қилишни, бу хусусда ҳеч ким мен билан тортишмаслигини истайман», деди. Абдумалик ибн Марвон эса: «Демак, сизлар шунга қаноат этасиз. Мен ер юзига эгалик қилиш ва Муовия ибн Абу Суфёндан сўнг халифа бўлишни орзу этаман», деди. Урва ибн Зубайр сукут сақлади. Шериклари ундан: «Сен нима истайсан, эй Урва?»,

деб сўрашди. «Сизларга Аллоҳ баракот берсин. Орзуларинг амалга ошсин. Аммо мен олим бўлишни хоҳлайман. Аллоҳнинг Китобини, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари ҳамда диний ҳукмларни одамларга ўргатишни истайман. Аллоҳ таолонинг розилигига эришишни, унинг жаннатига киришни умид қиламан», деди Урва.

Ойлар, кунлар ўтди. Ажали етиб, Язид ибн Муовия вафот этди. Абдуллоҳ ибн Зубайр унинг ўрнига халифа бўлди. Ҳижоз, Миср, Яман, Хуросон ва Ироққа ҳукмронлик қилди. Вақти келиб, Каъбанинг ёнида, ёшлигида орзуларини сўйлаган жой яқинида ўлдирилди.

Мусъаб ибн Зубайр акаси Абдуллоҳ томонидан Ироққа волий этиб тайинланган эди. Тақдир тақозоси билан у ҳам мансабидан четлаштирилди ва қатл қилинди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр ва укаси Мусъаб ўлдирилгач, мусулмонлар жамоаси Абдумалик ибн Марвонга байъат берди. Абдумалик ниятига етди, яъни, ўз даврининг энг катта ҳукмдорига айланди.

Дарвоқе, Урва ибн Зубайрнинг ҳоли не кечди? Келинг, унинг ҳикоясини бошдан бошлайлик.

Урва ибн Зубайр Умар ал-Форуқ розийаллоҳу анҳунинг халифалик даври тугашига бир йил қолганида обрў-эътиборли мусулмон оиласида дунёга келди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хос саҳобаларидан бири Зубайр ибн Аввом розийаллоҳу анҳу унинг отаси эди. Тирклигидаёқ жаннатийлиги башорат қилинган ўн саҳоба орасида бу фидойи инсон ҳам борлиги маълум. «Зоти нитоқайни» (икки белбоғ эгаси) лақабини олган Асмо бинту Абу Бакр Урванинг онаси эди. Бу аёл ҳижрат чоғи белбоғини иккига бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга берган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бири билан озиқ-овқатларини, иккинчи бўлаги билан ичимлик идишларини туяларига боғлаб олганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халифаси ва ғордаги дўсти Абу Бакр Сиддиқ она тарафидан Урванинг бобоси бўладилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аммалари София бинту Абдулмутталиб Урвага ота томонидан момо ҳисобланади. Мўминлар онаси Оиша розийаллоҳу анҳо эса, унинг холасидир.

Урва Каъбаи Муаззама ёнидаги ниятига бинноан ҳаётини илмга бағишлади. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кексайиб қолган саҳобалари уйларига борар, улар билан бирга намоз ўқир ва мажлисларида иштирок этар эди.

Нагижада Али ибн Абу Толиб, Абдурахмон ибн Авф, Зайд ибн Собит, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Нуъмон ибн Башир (розийаллоҳу анҳум) сингари зотлардан ҳадислар ривоят қилди... Айниқса, холаси — мўминлар онаси Оиша розийаллоҳу анҳодан жуда кўп нарса ўрганди.

Шундай қилиб, Урва Мадинадаги машҳур етти фақиҳнинг бири бўлиб етишти.

Солиҳ волийлар зиммаларидаги вазифалар борасида ушбу олимлардан маслаҳат сўрашар эди. Масалан, Умар ибн Абдулазиз Валид ибн Абдумалик томонидан Мадинага волий қилиб тайинланади. Одамлар уни қутлайдилар. Волий пешин намозини ўқигач, Мадина фақиҳларидан ўн кишини ҳузурига чақиради, улар бошида Урва ибн Зубайр турар эди.

Умар ибн Абдулазиз олимларни илиқ кутиб олиб, ҳурматини жойига қўйди. Сўнгра Аллоҳ таолога ҳамду сано айтгач, деди: «Мен сизларни маслаҳат учун чақиртирдим. Бундан сизлар ажру савоб оласиз ва менинг ҳақ — тўғри йўлда бўлишимга ёрдам берасиз. Мен барча ишни сизлар билан бамаслаҳат қилишга қарор бердим. Агарда қандайдир адолатсизликни кўрсангиз ёки мен ҳақимда бирон шикоят эшитсангиз, илтимос, хабарини менга етказинглар, Аллоҳ таоло хайрингизни берсин».

Шундан кейин Урва ибн Зубайр волий ҳақида яхши дуолар қилди, Парвардигордан савоб ва узоқ умр тилади.

* * *

Урва ибн Зубайр илмига тўла амал қилгучи инсон эди. Жазирама ёзнинг узун кунлари ҳам рўза тутарди. Тунлари тинимсиз намоз ўқирди. Ҳар доим Аллоҳга ҳамду сано айтар, шунингдек, Қуръони карим тиловатини жуда хуш кўрар эди. Кундузи Қуръони каримнинг тўртдан бир қисмини ўқирди ва тунги ибодатида уни ёддан тиловат этарди. Ўспиринлик чоғларидаёқ шунга одатланган Урва то умрининг охиригача ўша одатига содиқ қолди. Бироқ қуйироқда ҳикоя қилинадиган нохуш бир воқеа сабабли умрида бир мартагина уни тарк этишга мажбур бўлди.

* * *

Урва ибн Зубайр намозда роҳатланиб, қалби қувончга тўлар ва ўзини ер юзидаги жаннатда юргандек ҳис қилар эди. Ибодатда ҳар бир амални пухта бажарарди ва жойнамоз устида узоқ қолиб кетарди. Ривоят қилинишича, бир куни Урва намозини енгилгина, апил-талил ўқиб олган бир кишини ёнига чорлаб, шундай деган экан: «Эй биродар, Аллоҳ таолодан сўрайдиган бирон ҳожатинг йўқми? Аллоҳга қасам-

ки, мен намозда Парвардигоримдан ҳамма нарсани сўрайман, ҳаттоки тузни ҳам».

* * *

Урва ибн Зубайр олижаноб ва сахий инсон эди. Унинг Мадинада боғи ниҳоятда катта, дарахтлари кўп ва мевалари ширин бўлиб, йўловчи ва ёш болалардан боғни ҳимоя қилиш учун те-варagini шох-шабба билан ўраб қўяди. Мевалар етилиб пишгач эса, ўша тўсиқларни олиб ташлайди. Ўтган-кетган одамлар бемалол боққа кириб, мевалардан тўйиб еб ва истаганича олиб ҳам кетади. Урва ҳар гал боғига борганида Аллоҳ таолонинг: «*Сен боғингга кирган пайтингда: «Аллоҳ хоҳлаган нарсанига (бўлу), бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳдандир», десанг эди*», деган мазмундаги оятларини такрорлар эди.

Валид ибн Абдумалик халифалиги пайтида Аллоҳ таоло Урва ибн Зубайрни имтиҳон этишни хоҳлади. Бу синовнинг азоб-уқубатига имони мустаҳкам инсонгина бардош бериши мумкин эди.

Халифа Урва ибн Зубайрни Дамашқ зиёратига чақиради. Рози бўлиб, ўзи билан бирга катта ўғлини ҳам олиб боради. Меҳмон жуда яхши кутиб олинади, ҳурмат-иззат кўрсатилади.

Урванинг ўғли отларга қизиқиб, халифанинг отхонасига киради. Отлардан бири беҳосдан болани тепиб ўлдиради.

Ғамга ботган ота ўғлини қабрга жойлаб-жойламай, бир оёғига қорасон дарди ёпишади. Оёқ кун сайин шишаверади, оғриқ зўраиверади. Халифа даволаш учун энг машҳур табибларни чорлайди. Улар касалликни ҳар хил усуллар билан муолажа қилишга уринадилар. Аммо фойдаси бўлмайди. Алал оқибат шиш бутун танага ёйилиб, ўлимга сабаб бўлмасидан олдин оёқни кесиш лозим, деган қарорга келадилар. Урва иложсиз рози бўлади.

Жарроҳ ишга тайёргарлик кўрди, асбобларини олиб келди.

«Оғриқ сезилмаслиги учун бир қултум мускир (маст қилувчи ичкилик) ичасиз», деди жарроҳ.

«Йўқ, йўқ, мутлақо. Соғлиқни деб ҳаром ишлатишни истамайман».

«Бўлмаса, афюн истеъмол қиласиз».

«Йўқ. Аксинча, оғриқни сезиб турганим яхши. Бунинг учун эса, Аллоҳдан савоб умид қиламан».

Жарроҳ кесиладиган жойни чамалади ва Урванинг ёнига бир неча кишиларни бошлаб келди.

(Давоми келгуси сонда.)

Баҳодир НУРМУҲАММАД
тайёрлади

МАКТАБЛАРДА ДИНШУНОСЛИК: БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Мустақилликнинг ўтган ўн йили мобайнида мамлакатимиз таълим тизимида улкан ислохотлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг биринчи босқичи яқунланди. Навбатдаги босқичда бошқа фанлар қатори «Диншунослик»ни ўқитиш борасида ҳам бир қатор янгилликлар йўлга қўйилиши табиий. Яқинда мухбиримиз Республика Таълим маркази Ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи Наргиза ИСМАТОВА билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Кейинги пайтларда мактабларда диншуносликка оид билимларни ўргатиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бугун ўқувчиларга диншунослик йўналишидаги билимлар қай даражада берилляпти?

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида бу масалага етарлича эътибор берилган. Диншуносликка оид билимлар «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи», шунингдек, мактаб ўқув режасига янги киритилган «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанларининг дастур ва дарсликларига киритилди.

Бошланғич синфларда Одобнома фани бўйича «Расм-русумлар, иримлар ва анъаналар», «Муҳаддис боболар», «Муҳаммад пайғамбар», «Ҳалолни ҳаромдан фарқлаш», «Ҳадиси шариф – тарбия манбаи» каби исломий одоб-ахлоққа оид мавзуларни ўрганишга 20 соат дарс ажратилган. 5–8-синфлар ўқувчиларига динлар тарихини ўрганиш учун «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи» ўқув дастурлари бўйича жами 53 соат дарс берилади. 9-синфда айни фанлар ҳисобидан 34 соатлик «Дунё динлари тарихи» курси ўқитилади. Бу курс бўйича яқинда алоҳида ўқув қўлланмаси нашр этилди. Қўлланмада дастлабки диний тасаввур-

лардан то ҳозирги кундаги муаммоларгача кенг баён этилган.

Булардан ташқари 7–9-синфларда ўқитиладиган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув дастурида ҳам исломий одоб-ахлоққа оид мавзулар билан бир қаторда айрим адашган фирқа ва оқимларнинг зарари, улар туғдираётган хавф-хатар ҳақида ҳам ўқувчиларга батафсил маълумот бериш кўзда тутилади.

— 9-синфда «Дунё динлари тарихи» курсини ўқитиш жорий этилгани яхши. 5–8-синфларда шундай курсларни ўтиш ёки ўқув режасига алоҳида фан сифатида киритиш ҳақидаги таклифларга қандай қарайсиз?

— Ҳозир айтганимдек, 5–8-синфларда ҳам «Жаҳон тарихи», «Ўзбекистон тарихи» фанлари таркибида дунё динлари тарихи бирмунча кенг ўргатилади.

Мазкур фанлар дастурларидан 5-синфда «Дастлабки диний қарашлар», «Арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари», «Буюк сиймолар», «Олтин аср», «Кишилик жамиятининг тараққиёти», «Ислом дини»,

«Ўрта Осиёда уйғониш даври», 6-синфда «Диний эътиқодларнинг келиб чиқиши», «Кушон давлати», «Дастлабки диний тасаввурлар», «Қадимги Мисрда диний тасаввурлар», «Қадимги Ҳиндистон маданияти», «Буддизм ва бошқа маҳаллий динлар», «Қадимги Хитой маданияти, хитойликларнинг диний эътиқодлари», «Эллин маданияти, юнонлар дини», «Рим империясининг инқироzi, христианликнинг келиб чиқиш сабаблари» каби мавзулар, 7-синфда «Эфталитлар даври маданияти: диний қарашлар», «Ўрта Осиёнинг араб халифалиги томонидан фатҳ этилиши», «Мовароуннахр ва Хуросонда Араб халифалиги ҳукмронлигининг заифлашуви», «XI–XIII асрларда христиан черкови, салиб юришлари», 8-синфда «Ўрта Осиё халқларининг маънавий, маданий ҳаёти ва турмуш тарзи» каби мавзулар ўрин олган.

Бу мавзулар «Ўзбекистон тарихи» ва «Жаҳон тарихи» фанларининг бошқа мавзулари билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилган. Бизнингча, алоҳида ўқитиш сунъий бирёқламлиқка олиб келади.



A. Muhammadjonov

O'ZBEKISTON
TARIXI

7



Шу боисдан 5–8-синфларда диншуносликка оид билимларни алоҳида курс ёки ўқув фани сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳозирги пайтда ўқув фанлари, курсларининг миқдорини ошириш эмас, имкон борича камайтириш устида бош қотиришимиз керак. Ўқувчиларга турли билимларнинг интегратив, яъни, уйғунлашган ҳолда берилиши кўпроқ самарали бўлади.

5–8-синфларда диншунослик фанини жорий этиш бўйича вазирлик махсус буйруқ қабул қилди. Бунга асосан мазкур курсни алоҳида фан сифатида ўқитиш бўйича тажриба-синов мактаблари белгиланди. Ўқув ишлари ҳам бошлаб юборилди. Натижалар ўқув йили якунида муҳокама этилиб, бир қарорга келинади.

– Сизнингча, диншуносликка оид билимларни ўқитишда қандай тамойилларга асосланиш керак?

– Дарсликларда диншуносликка оид билимларни баён этишда, улар асосида таълим беришда куйидаги тамойилларга асосланамиз:

Авалло, мавзулар дунёвий мазмун, умумбашарий қадриятлар, демократик тамойиллар руҳи билан суғорилиб, республикаимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, замонамизга ҳамнафас бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, диншунослик асосларини ўқитиш ва Ўзбекистонда барча динларнинг бугунги ҳолатини ўрганиш жараёни чуқур илмийлик, холислик асосига қурилиши керак.

Учинчидан, динларни даҳрийларча кўпол танқид қилиш ёхуд ноўрин ваъзхонликка берилиш, бир динни иккинчи диндан устун қўйишга йўл берилмаслиги зарур.

Абдул ЖАЛИЛ
ёзиб олди.

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Олтинчи сабоқ

Махсига ва жароҳатга масҳ тортиш

Махсига масҳ тортиш Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг феълий ва қавлий суннатлари билан асосланади. Махсидан бошқа оёқ кийимларига, агар улар тўпиқни ёпиб болдирда боғланмасдан тик турмаса, таг ва уст қисмлари тери билан қопланган бўлмаса ҳамда ўртача юришда бир фарсах (ўн икки минг қадам) масофа юришга ярамаса, масҳ тортиб бўлмайди.

Шунингдек, махсининг тўпиқдан пасти оёқнинг уч кичик бармоғи кўринадиган катталиқда йиртилса, масҳ тортиш мумкин эмас. Бир махсининг турли жойларидаги кичик йиртиқлар тўпланганда айтилган миқдорга тенг бўлса ҳам, унга масҳ тортиш ножозидир.

Махси таҳоратли ҳолда кийилгандагина унга масҳ тортиш мумкин. Махсининг ерга тегиб турган қисмига эмас, балки уст қисмига масҳ тортилади. Бунинг учун қўллар ҳўллаиб, ўнг қўл бармоқлари ва кафти ўнг оёқ махсиси устига, чап қўл бармоқлари ва кафти чап оёқ махсиси устига оёқ панжалари учига тенг қилиб қўйилади ва қўл бармоқлари ораси сал очилиб тўпиққача тортилади. Қўл бармоқлари учларининг ўзи билан масҳ қилиш (сув оқиб турмаса) дуруст бўлмайди. Мазкур тартибда ҳар бир оёқ махсисига бир мартадан масҳ тортилади, холос.

Муқим киши бир кеча-кундуз, мусофир уч кеча-кундуз махсиларига масҳ тортиши мум-

кин. Бу муддат махси кийгандан кейин таҳорати синган вақтдан бошлаб ҳисоб қилинади.

Агар муқим киши масҳ муддати тугамай сафарга чиқса, бошланғич муддатдан кейин уч кеча-кундузгача масҳ торта олади. Мусофир юртига қайтганида масҳ муддати бир кеча-кундуз ё ундан ўтган бўлса, махсини ечиб, оёғини ювиши лозим.

Таҳоратни нима синдирса, масҳни ҳам синдиради. Шунингдек, махсидан бир пойини бўлса ҳам ечиш ва муддатнинг ўтиши масҳни синдиради. Оёқнинг тўпиқдан пастки қисми махсининг қўнжигача чиқса, махси ечилган ҳисобланади. Махси ечилганда ё муддати ўтганда, бошқа сабаб билан таҳорат синмаган бўлса, оёқларни ювиш kifоядир.

Агар баданда жароҳат бўлса ва унга совуқ сув зарар қилса, иссиқ сув билан ювиш керак. Агар иссиқ сув билан ювиш ҳам зарар етказса, бевосита бадандаги жароҳатнинг ўзига масҳ тортилади. Бу ҳам зарарли бўлса, унга боғланган докага масҳ қилинади. Бундай жароҳат боғланаётганида уни ювиш ё таҳорат олиш шарт эмас. Унга боғланган докага масҳ қилиш зарарли бўлса, масҳ ҳам қолдирилади. Жароҳатга масҳ қилиш муддати чегараланмаган. Жароҳат тузалгунча масҳ тортилаверади.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзи буюрганидек покликка риоя этиб, Ўзи буюрганидек мукамал ибодат этувчи бандаларидан қилсин.

Муҳаммад СИДДИК

ДУОГҲҲ ДУО ҚИЛСА...

Қуръони каримнинг Бақара сураси, 186-оятда шундай муборак жумлаларни ўқиймиз (маъноси):

«Бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Дуогўй менга дуо қилса, унинг дуосини қабул қиламан. Улар ҳам Менинг чақиримни қабул қилсинлар ва Менга имон келтирсинлар. Шунда тўғри йўлда бўладилар».

Муфассирлар ушбу ва ўзга оятлардаги «яқинлик»ни билиш, кўриш ва мадад бериш яқинлиги деб тушунтиришган. Зотан, Жаноби Ҳақ таоло макондан муназзаҳдир.

Қоф сурасининг ўн олтинчи ояти каримаси маъносига диққат қилинг:

«Биз инсонни яратдик! Ва кўнглидан нима кечса, билемиз. Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқмиз».

Аллоҳ таолонинг билиш, кўриш ва мадад бериш яқинлиги шундайки, дуогўйнинг дуоси шу ондаёқ унга етиб боради. Инсон кўнглидаги



бирор нарса Аллоҳ таолога пинҳон эмас.

Дуога келсак, Аллоҳ таоло ҳар бир банданинг дуосини қабул қилади. Бу нарса У Зоти Зулжалолнинг ваъдасидир. Банда ўзига боғлиқ шартларни адо этса бас!

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида ворид бўлганки, ҳалол еб-ичиш, дуодан чарчамаслик дуо қабул бўлишининг шартларидандир. Эйг муҳими, Аллоҳ таоло дуони қабул қилишига шубҳасиз ишонмоқ керак. Илоҳий амрларни бажармоқ ва ҳаромлардан сақланмоқ лозим.

Муҳбири Содиқ алайҳиссалом шундай хабар қиладилар:

«Аллоҳ таоло ҳар бир дуо қилган мусулмонга, агар унинг дуосида гуноҳ ё қариндошчиликни узиш бўлмаса, бу учовидан бирини беради: ё сўраганини тезда раво қилади, ё уни охиратга захира этиб қолдиради, ё ундан дуосига яраша ёмонликни даф этади».

Салафи солиҳлар ҳаёти бунинг ҳақлигига далилдир.

Ҳар бир инсон ҳожатманд. Ҳожатларни фақат Аллоҳ таоло раво айлайди. Ҳожатларимиз раво, дуоларимиз қабул бўлишини истасак, Унинг шартларига риоя этайлик.

Дуо

I

Аллоҳим! Сендан ушбу исмларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. **Эй борлиқ мавжудотнинг ҳақиқий маъбуди Аллоҳ!**
2. **Эй дунёда дўст ва душманга айирмасдан бутун махлуқотни ризқлантиргувчи Раҳмон!**
3. **Эй охиратда фақат дўстларига раҳм айлагувчи Раҳийм!**
4. **Эй ҳар нарсани моҳияти ила билгувчи Алийм!**
5. **Эй махлуқотларига бениҳоя юмшоқ муомала қилгувчи Ҳалийм!**

6. Эй ҳадсиз буюклик ва олийлик соҳиби Азийм!

7. Эй ҳар ишни ўрнида қилгувчи Ҳақийм!

8. Эй борлигининг бошланиши бўлмаган Қадийм!

9. Эй ҳар нарсани оёқда тутгувчи Муқийм!

10. Эй яхшилиги ва саховати чексиз Қарийм!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан муназзаҳсан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!

Саховат соҳиби

Бир киши масжидда ухлади. Уйғонгач, киссасидан ҳамёнини излади. Топмади. «Ўғирланган!» Масжидда намоз ўқиётган Жаъфари Содиқни кўриб, унга маҳкам ёпишиб олди.

— Ҳамёнимни ўғирлабсан, бу ерда сендан бошқа ҳеч ким йўқ эди, сен олгансан.

— Ҳамёнингда қанча пул бор эди?

— Минг динор.

Жаъфар уйига бориб, унга

ҳузурларига қайтиб келишиб:

— Бир кечада унинг Байтул Мақдисга бориб тонг отмасдан бурун қайтганига ишонасанми? — деб сўрашди. Абу Бакр (р.а.) ҳеч иккиланмай яна:

— Ҳа, нафақат бу ҳодиса, балки мен ул зотга келган барча самовий хабарларга ишонаман ва имон келтираман, — деб жавоб бердилар. Сўнгра Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига йўл олдилар. Ул Зотнинг (с.а.в.) сўзларини эшитиб:

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу дуони ўргатдилар: **«Аллоҳим, гуноҳларимни мағфират қил. Менга кенг ахлоқ ва ҳалол бир даромад насиб эт. Берган ризқингга мени қаноатли қил. Манъ этган нарсаларингга қалбимни мойил қилиб қўйма».**

Энг шиддатли оят

Муҳаммад ибн ал-Мунташирдан (р.а.):

«Бир одам Умарга (р.а.):

БЕРГАН РИЗҚИНГГА ҚАНОАТЛИ ҚИЛ

минг динор келтириб берди. Сўнг ҳалиги киши дўстлари ҳузурига борди. Улар: «Ҳамёнингни ҳазиллашиб биз олган эдик», дейишди. «Ўғри ушлаган» киши унга масжидда минг динор берган одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг авлодларидан эканини билиб олди. Пулни қайтариб бермоқчи бўлганида Жаъфари Содиқ олмади ва деди:

— Биз мулкимиздан бир нарсани ажратиб берсак, уни асло қайтариб олмаймиз.

Ул зот рост айтибдилар

Баъзи инсонлар Исломига кирганларидан кейин Исро ҳодисасини эшитганларида Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабарларига ишонмай, муртад бўлиб диндан қайтдилар. Аммо Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу иккиланмай:

— Агар Ул Зот шундай деган бўлсалар, рост сўзлабдилар, — деди.

Шубҳага берилганлар бундай жавобдан жуда ғазабланишди. Улар Абу Бакр (р.а.)



— Чин гувоҳлик бераманки, ҳақиқатда ҳам Сиз Расулуллоҳдирсиз! — дедилар.

Абдуқаюм ҲИКМАТ

тайёрлади.

Беш минг қўйдан афзал

Али розийаллоҳу анҳудан:

«Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Эй Али, сенга беш минг қўй берайми ёки дунё ва охира-тингга асқотадиган беш калима ўргатайинми? — дея сўрадилар.

— Ё Расулуллоҳ, беш минг қўй озмунча фойда эмас. Бироқ менга ўша беш калимани ўргатишингизни хоҳлайман, — дедим мен.

— Аллоҳнинг китобидаги энг шиддатли ва қўрқинчли оятни биламан, — деди.

Умар (р.а.) бир таёқ олиб уни урди ва:

— Ўзингча қандай «тадқиқот» ўтказдинг-ки, бундай оятни учратдинг? — деди. Ҳалиги одам у ердан кетди.

Эртаси куни Умар (р.а.) уни топиб:

— Қайси оятни айтмоқчи эдинг? — дея сўради.

— «**Ким бир ёмонлик қилса, албатта жазосини кўради**», оятидир. Зеро, ёмонлик қилмаган одам йўқ. Шунга кўра, бирортамиз ҳам жазодан қутула олмаймиз, — деди ҳалиги одам.

Умар (р.а.) шундай деди:

— Бу оят нозил бўлганида шунчалар қўрқдикки, ҳатто овқат еёлмай қолдик. Ниҳоят Аллоҳ таоло: **«Ким бирон-бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳнинг мағфират этгувчи ва меҳрибон зот эканини кўрар»** (Нисо, 110) мазмунидаги ояти каримани нозил қилди.

«Ал-Канз», «Ҳаётус-саҳоба» китоблари асосида

Абдуллоҳ МУРОД

тайёрлади.

ҲН ТҮРТ АСР КЕЧИККАН ИЛМ

Йигирманчи асрга келиб, бир ёқда тиббиёт илми ривожланиб, иккинчи ёқда кўз илғамас нарсаларни ҳам катталаштириб кўрсатадиган асбоблар – заррабинлар (микроскоплар) чиқиб, шундан сўнггина олимлар билдиларки, инсон отадан онанинг бачадониға қуйиладиган манийлар (сперматозоидлар) тўғламидан эмас, балки маний ичидаги ғоят кичик бир заррадан пайдо бўлар экан.

Илм бу кашфиётни ўзининг жуда катта ютуғи деб билди. Ҳолбуки, бундан бир неча юз йиллар, аниқроғи, 14 аср илғари Куръони каримда бунинг хабари бериб қўйилгандир.

Яъни, **«Инсон ўзининг (бу дунёда илоҳий қонун-қоидаларға бўйинсунмасдан, қиёматда қайта тирилтирилиб ҳисоб-китоб қилинмасдан) бекор ташлаб қўйилишини ўйлайдими? Ахир у (отадан онанинг бачадониға) қуйиладиган манийдан бир нутфа (ҳужайра) эмасмиди?»** (Қиёмат сураси, 36-37-оятлар маъноси).

Оятнинг **«манийдан бир нутфа»** жумласидаги **«дан»** маъносини берувчи **«мин»** ҳарфи араб тили қонуниятига кўра, таъйиз учун бўлиб, нутфа манийнинг бир қисми, зарраси эканини билдиради.

БҮЛҒУСИ ФАРЗАНДИНГИЗ ЎҒИЛМИ, ҚИЗМИ?

Замонавий илмнинг яқинларда қилган кашфиға кўра, фарзанднинг ўғил ёки қиз бўлиб туғилиши отадан келадиган «сув»ға боғлиқ экан. Яъни, агар нутфа (эркак уруғининг ҳужайраси) эркаклик хусусиятларига эға бўлса, туғиладиган фарзанд ҳам ўғил бўлади. Агар аёллик хусусиятларига эға бўлса, фарзанд ҳам қиз туғилади.

Дарҳақиқат, туғилажак боланинг жинси отадан отилиб чиқадиган сувғагина боғлиқ эканлиғига Куръони карим ҳам ишора этган. Қиёмат сурасининг 37-оятда инсон пайдо бўладиган нутфа отанинг сувида бўлиши ҳақида **«Ахир, у (отадан онанинг бачадониға) қуйиладиган манийдан бир нутфа (ҳужайра) эмасмиди?»** дейилса, шу суранинг 39-оятда (маъноси):

«Бас, (Аллоҳ) ундан (маний ичидаги нутфадан) икки жуфтни – эркак ва аёлни пайдо қилди», дейилади.

Нажм сурасининг 45-46-оятларида эса (маъноси):

«Ва албатта у Зот (отадан) отилиб чиқадиган нутфадан эркак ва аёл жуфтларини яратгандир», дея эркаклик ва аёллик турлари отанинг нутфасига боғлиқ эканлиғи зикр этилган.

Афсуски, баъзи оилаларда кетма-кет қиз фарзанд туғилаверса, айбни фақат хотиниға қўядиган эрлар бор. Ҳатто жохилроқлари: «Агар яна қиз туғсанг, қўйвораман! деб таҳдид соладилар, бошқалари ҳақорат қилиб, хотинларининг аёллик ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишгача борадилар. Ҳолбуки, фарзанд дунёға келгунча аёл нақд ўлим билан олишади. Масаланинг иккинчи нозик томони, эрнинг: «Яна қиз туғсанг, қўйвораман!» деб талоқ билан таҳдид қилишидир.

Аслида, бу масалада аёлларни айбдор қилиш мутлақо нотўғридир. Аллоҳ таоло: **«Аёлларингиз экинзорларингиздир»** (Бақара, 223), деб эркакларға хитоб қилгандир. Дехқон экинзорига нима уруғ экса, фақат ўша униб чиқади.

Агар Аллоҳ таоло умуман фарзанд бермасдан, фарзанднинг тирноғига зор қилиб қўйганида, ота ҳам, она ҳам нима қила оларди? Аллоҳ таоло: **«Осмонлар ва ер Аллоҳнинг мулкидир. У ўзи хоҳлаган нарсани яратур, у ўзи хоҳлаган кишиға қизларни ҳадя этур ва ўзи хоҳлаган кишиға ўғилларни ҳадя этур. Ёки уларни ўғиллар ва қизлар қилур ва ўзи хоҳлаган кишини туғмас (бепушт) қилиб кўюр. Албатта, у (барча нарсани) билғувчи ва (ўзи хоҳлаган нарсани яратишға) қодирдир»** (Шўро, 49-50). Шунинг учун бизлар Аллоҳнинг берган неъматларига кўп шукрлар қилишимиз керак. Аллоҳ таоло: **«Яна Парвардигорингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: «Қасамки, агар (берган неъматларимға) шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман. Энди, агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта, азобим жуда ҳам қаттиқдир!»** (Иброҳим, 7), деганини унутмайлик.

Абдул Азим ЗИЁУДДИН ЎҒЛИ

Чирчиқ шаҳар «Ўрта маҳалла» жомеининг имом-хатиби.

Уқоридаги мақолаларни у Абдул Мажид Зиндонийнинг «Тавҳидул Холиқ» китоби асосида тайёрлаган.



Исмоил илк бор Имом Бухорийнинг китобларини қўлига олиб, ўқишга тутинганида болалик хотиралари ёдига тушди...

* * *

– Она, хув осмондаги оймомони ҳам Олло яратганми?
– Ҳа, болам, Олло яратган.
– Анави... анави юлдузларни ҳамми?

– Албатта, уларни ҳам...

Розия ўғилчасининг бундай саволларидан ҳам ажабланар, ҳам ич-ичидан хурсанд бўлар эди. «Худо хоҳласа...» У нимадир демоқчи бўлдию, чўчиди. «Балким...» «Ўғлим зеҳнли...» дея ўзига тасалли берди. Яна мурғак ўғилчасининг саволлари хаёлини бузди.

– Она, Олло шунчалик каттами?

– Нега унақа деяпсан?

– Ўзингиз Олло ерни, қуёшни, ойни, юлдузни, одамларни яратган дейсизку? Шундан кейин катта бўлади-да!

– Ҳа, болам, У ҳаммадан катта.

– Вой-буй...

Болакайнинг ҳайратомуз саволлари уни қувонтириб юборди. Ўғилчасини қаттиқ бағрига босди. Астагина пичирлади: «Худо хоҳласа...» Боягина айтишга чўчиган сўзларига энди қалби ҳам ишонгандай бўлди: «Менинг ўғлим ҳам Бухорийга ўхшайди».

– Она, қачон ухлайсиз?

– Даданг келсин. Тун ярмидан оғди, болам, сен ухласанг яхши бўларди...

– Йўқ, ухлаб қолсам, ёлғиз қоласиз-ку!.. Она, дадам бугун ҳам ичиб келадими?

– ...

– Яна сизни урадимиз?..

Розия бу саволлардан хўрсиниб қўйди-да:

– Меҳрибонгинам... ақлигинам... Бухорийгинам... – дея эркалаб: ўғилчасининг бошини силади.

– Она, нега доим мени «Бухорийгинам» дейсиз? Нима дегани бу, онажон?

– Бухорий бобо буюк аллома бўлганлар. Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини тўплаб, катта китоб қилганлар. Сен ҳам шундай олим

«БУХОРИЙГИНАМ...»

бўлишингни хоҳлайман.

Шу пайт эшик шарақлаб очилдию ширакайф Усмон кирди. Кийимлари осилган, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Розия эрини яна маст аҳволда кўриб, чуқур хўрсинди. Ҳозиргина сурган ширин хаёлларини зулмат қоплади.

– Ҳо хотин! Қайси гўрдасан? Мен келдим. Гўр ютганми?.. Олдимга келмайсанми?

Розия аста супадан тушди-да, эри томон юрди.

– Келинг, дадаси, – дея эрининг қўлидан тутди. – Яхши келдингиз... – сўзи тугамасданоқ Розиянинг юзига шапалоқ тушди. Бечора аёл зарбадан деворга бориб урилди.

– Йўқол... кўзимга кўринма... Сендан ҳазар қиламан... Кўчада юришга уяламан... Ор қиламан, – деди-ю, қўлига тушган нарсани Розияга ота бошлади. Розия амаллаб ўзини панага олди. Идишлар, дераза ойналари синди... Челақлар ағдарилди. Усмон яна нималарнидир валдираб ичкари кириб кетди. Кўп ўтмай, унинг хуррак отгани эшитилди.

Розия деворга суюнганича хомуш тортиб қолди: «Нега доим шундай? Нега? Айбим нима? Намоз ўқиганимми?..»

Ич-ичидан келаётган йиғини босолмади. Боядан бери кўрқиб, биқиниб ётган Исмоил ҳам онасининг йиғлаётганини кўриб, ҳиқиллай бошлади. Ўрнидан турди-да, кўрқа-писа онасининг олди-га келди:

– Она, нега йиғ-ғлаяпсиз? Мен... мен-чи... катта бўсам, ароқ ичмайман... сиззи урмайман... сиззи сўкмайман, – дея онасининг оёқларини қучоқлади.

Розия ҳушига келганида, ўғилчасининг йиғлаётганини кўрди. Юраги орқасига тортиб кетди: «Қачон келди? Шўрлик болам... Кечир мени... Аслида буларни сен кўрмаслигинг, эшитмаслигинг керак эди... Онангни кечир болам...» – дея ўғилчасини бағрига босди. Ҳозир йиғининг мавриди эмаслигини тушунди...

* * *

Исмоил кўз ёшларини артди. «Онажон, улғайиб, мен кўп нарсани тушундим... Айниқса ота бўлиб... Онажон, сизни жуда соғиндим... Болаларимни эркалатганимда «Бухорийгинам» деб мени суйганларингиз ёдимга тушади. Онажон, Бухорийга ўхшаб олим бўлиш қандай улкан армон эканлигини билдим... Балким мени барвақт ташлаб кетмаганингизда эди... Балким... Онажон, жойингиз жаннатда бўлсин...»

РАЙҲОНА



Давлат тузуми – конституцион монархия.

Пойтахти – Аммон шаҳри.

Аҳолиси – 4 милён.

Об-ҳавоси – майдан октябргача 23°C, ноябрдан апрелгача 12°C.

Расмий тили – арабча, иккинчиси инглиз тили.

Пул бирлиги – Иордан динари.

Дини – Ислом. 4,4 фоиз аҳолиси насроний.

Йирик шаҳарлари – Аммон, Зерга, Ақаба, Салт, Ирбид.

Жума куни – ҳафталик дам олиш куни.

Диний байрамлари – ҳижрий йилнинг бошланиши, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Исро ва Меърож кечаси.

Миллий байрамлари – 25 майда мустақиллик куни, 10 июнда армия куни, 11 августда Қирол Ҳусайн тахтга ўтирган кун, 14 ноябрда Қирол Ҳусайн туғилган кун.

ИОРДАНИЯ ҲОШИМИЙЛАР ПОДШОҲЛИГИ

Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигининг Ўзбекистондаги элчиси вазифасини бажарувчи жаноб Маҳер Аҳмад Лукаша билан суҳбат

– Аввало, Иордания-Ўзбекистон алоқалари хусусида қисқача сўзлаб берсангиз?

– Ўзбекистон Республикаси билан расмий алоқаларимиз 1993 йили бошланган. 1994 йилнинг июн ойида эса Ўзбекистонда Иордания Ҳошимийлар мамлакатининг элчихонаси очилди. Аслида, бизнинг ўзбек халқи билан дўстлигимиз қадимдан мавжуддир. Урдун ерида жуда кўп ўзбек миллатига мансуб оилалар яшайди. Улар биз билан бирга хотиржамликда фаровон ҳаёт кечиришади. Уларнинг келиб ўрнашишлари тарихи эса, қадимги ҳаж йўли, савдо-сотиқ ишлари билан алоқадор.

Ўзбекистон билан иқтисодий-маданий алоқаларимиз ҳозирги кунда жуда мустаҳкамдир. Айтиш мумкин, Тошкентдан Урдун пойтахти Аммонга тўғридан-тўғри ҳаво йўли очиш, учоқлар қатновини йўлга қўйиш юзасидан битим имзоланди.



– Иорданиянинг араб давлатлари орасидаги мавқеи қандай? Мамлакат «Ҳошимийлар қироллиги» деб номланишининг боиси нимада?



– Бунинг тарихи узун. Ҳижоз тарихида «Малик-ул араб» номи билан машҳур Ҳусайн ибн Али ҳукмронлиги вақтида Ироқ, Шом (Сурия) ва Урдун ерларига фарзандлари ва яқин одамларини ҳокимликка тайин этиб жўнатади. Ҳусайн ибн Али авлодидан бўлмиш Абдуллоҳ Биринчи

Иордания ерларига келиб, шу ерда Урдун давлатини барпо қилган.

Ҳошимийлар Маккадаги энг обрўли, шарафли хонадон соҳибидирлар. Уларнинг насаблари Ҳазрати Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга боғланади. Ҳозирги кунда ҳам бу шажара давом этиб келмоқда. Қирол Абдуллоҳ Биринчи, ундан кейин Қирол Ҳусайн ибн Талол ва ҳозирги қирол Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ҳам ушбу шажара давомчиларидир. Иордания ҳошимийлар давлати дейилишининг сабаби ҳам шу.

Иордания қадимдан араб давлатлари ўртасида аҳилликни, мувозанатни таъминлаб



турадиган давлат ҳисобланади. Чунки Иорданияда хошимийлар бошқаруви ихтилофга ва зиддиятларга йўл бермайди. Бизда инсон ҳуқуқлари айниқса кучли ҳимоя қилинади.

Мамлакат тинчлик, дўстлик, биродарлик йўлидан бориб, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ҳукумат раҳбарлари ҳар тўрт йилда умумий сайловлар йўли билан тайинланади.

Урдун мамлакати араб давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллаб келган. Ўрта-миздаги ижтимоий, иқтисодий, диний алоқалар жуда мустаҳкам. Иорданияда соғ-

лиқни сақлаш ва таълим тизимига эътибор жуда катта. Ҳукумат аҳолининг ижтимоий ҳаётига яқиндан ёрдам кўрсатади. Бу эътибор мамлакатни араб давлатлари орасида ўрнатилган даражага кўтарди.

— **Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг асосий тамойиллари қайсилар?**

— Иордания иқтисодиётида асосий ўринни, албатта, тижорат, савдо-сотик эгаллайди. Бундай тармоқлардан яна бири қишлоқ хўжалигидир. Бизда асосан мева-чевалар, банан, апелсин етиштирилади.

Иордания нефт ишлаб чиқарувчи мамлакат эмас. Шунга қарамасдан Қирол Ҳусайн халқни мамлакат иқтисодини яхши суръатлар билан ривожлантиришга илҳомлантира олди. Мамлакатда инсон ва унинг манфаатлари юксак қадрланади. Асосий мақсадларимиздан бири ҳартомонлама комил инсонни шакллантириш, фаровонликни таъминлашдир.

Бугунга келиб энг чекка қишлоқларгача равон йўллар ўтказилган, электр-газ, ичимлик суви билан таъминланган. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари равнақига эътибор катта.

Мамлакатда 15 та университет ишлаб турибди.

— **Иорданияда ўзбеклар ҳам яшайди, деб айтдингиз. Улар ҳақида яна нималар дея оласиз?**



— Биз ўзбекларни ҳар доим ҳурмат билан тилга оламиз. Улар гўзал ахлоқлари, яхши муомалалари билан барчанинг олқишига сазовор бўлишган. Мен билан қўшни яшаган, бир мактабда ўқиган ўзбек ватандошим Англияда таҳсил олиб қайтди. Мен эса Амириқода ўқидим.

Аммонда ҳам жуда кўп ўзбеклар яшашади. Ҳатто шаҳар марказида «Бухорийлар бозори» деган улкан тижорат маркази бор.

Хуллас, айтмоқчиманки, ўзбеклар билан дўстлигимиз узоқ ўтмишга, бой тарихга эга.

Абдуқаюм ҲИКМАТ
суҳбатлашди



КОСОНСОЙДА ШУНДАЙ КОРХОНА БОР

Косонсой гўзал Наманганнинг хушхаво, сўлим, масканларидан бири. Бу ердан кўп улуг алломалар, орифлар, давлат арбобла-

па мамлакатларига жами 11,5 милён долларлик маҳсулот сотилди.

Яқин ўтмишда ҳам корхона деганда мўриларидан

шаҳарчани эслатади. Бир томонда эса дастгоҳлар бир маромда ишлаб турибди. Иккинчи томонда бежирим уйлар, мутахассислар учун шинам меҳмонхоналар. Олий жун тадқиқот институти ҳам шу манзилда.

Корхонада меҳнат қилаётган бир ярим мингга яқин кишининг яхши ишлаши ва дам олиш учун барча шароит мавжуд.

Уларни янги автобус, микроавтобуслар ишга ва уйга элтиб қўяди. Ҳар хил тур бўйича спорт майдонлари бор. Ҳатто ичимлик суви ҳам махсус иншоотда тозалангандан кейин истеъмолчига берилади.

«Косонсой – Текмен» қўшма корхонаси энг замонавий дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, оргтехника воситалари билан жиҳозланган.



ри етишиб чиққан. Маҳдumi Аъзам Косоний, Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд Косоний, Шамсуддин Муҳаммад Байғумалик, Маҳаммадшариф Узлат Косоний, Носирхон тўра, Жўраҳон домла каби фозиллар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида Косонсойнинг шуҳратига шуҳрат қўшган, номини чет элларга ҳам танитган бир воқеа рўй берди. 1999 йилнинг бошида Туркиянинг «Тими» фирмаси иштирокида «Косонсой–Текмен» ўзбек-турк қўшма корхонаси иш бошлади. Жун газламалар, гилам тўқиш учун арқоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу корхонада йилига 40 милён долларлик маҳсулот тайёрланади. Биргина ўтган йилнинг ўзида Болтиқбўйи давлатлари, АҚШ ва Овру-

ҳамиша тутун бурқсиб турадиган, ҳовлиси темиртерсак, ҳар хил чиқиндилар уюмларига тўла жойни тасаввур қилар эдик. Косонсой – Текменга кирсангиз



бутунлай бошқача манзарани кўрасиз. 169 гектар майдонни эгаллаган улкан ишхона саранжом-саришта, ҳаммаёғи батартиб бир

Маошлар одамларга Миллий банк шўъбаси томонидан ўрнатилган махсус шахобчалар орқали тарқатилади. Ишчи-хизматчилар

махсус картлар ёрдамида хоҳлаган вақтларида маошининг истаганча қисмини ўша шаҳобча орқали ҳеч бир қийинчиликсиз олишлари мумкин.

Қўшма корхона бош директори Мустафо Тек ўғлининг айтишича, ҳозирги пайтда «ДЕМО – 2000» деб номланган лойиҳа амалиётига киришилмоқда. Бу лойиҳа асосидаги қурилма қирқиб олинган жунни газламага, сўнгра тайёр кийимга айлантириш ва бошқа кўп ишларни бажаради. Шунингдек, яна олтита турдош қўшма корхона барпо этилади. Уч йил мобайнида йигирма мингга яқин кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилади. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 7200 тонна дағал ва ярим дағал жунни, 1470 тонна хорижий майин жунни қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади.

**Аҳмад Муҳаммад
ТУРСУН**

Суратларни
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган.

ТУРҒУНБОЙ БУВАНИНГ БАХТИ

Иккинчи жаҳон уруши йиллари... Ота-онадан айрилган ўрис ва бошқа миллат болалари Ўзбекистонга олиб келинди. Улар орасида Красноярск шаҳридан келган 9 ёшли Иван Кияткин деган бола ҳам бор эди. Уни Фарғона вилояти Бағдод туманидаги болалар уйига юборишди. Риштоннинг Чек Насриддин қишлоғида яшовчи Абдусаммад ота Умаров болани фарзандликка қабул қилди. Абдусаммад ота Иванни ўз фарзандлари қатори ардоқлаб ўстирди, тарбиялади ва ўқитди. Мусулмонлик удумларини адо этиб, унга «Турғунбой» деб исм қўйди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар: **«Ҳар бир бола табиий хилқатда (Исломда) дунёга келади. Сўнг уни ота-онаси ё яхудий, ё насроний, ё мажусий қилади».**

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Абдусаммад ота Турғунбойга Ислом ҳақ дин эканини, ирқи, ранги, миллати, мамлакатидан қатъи назар, барча мусулмонлар бир-бирларини қардош деб билишини, бир-бирларига яхшилик қилишини, ёрдам беришини далил-исботлар билан сингдириб борди. Оқибатда бу ўрис йигити Аллоҳга имон келтирди. Ислом динини қабул қилди, илмга ихлос қўйди. Қишлоқ имоми Абдусалом Тиллабоев унга Қуръон ва ҳадисдан сабоқ берди.

Турғунбой улғайиб, меҳнатсевар, ҳалол ва ширинсўз йигит бўлди. Деҳқончилик билан шуғулланди. Далаларда ҳалол меҳнат қилиб, кун кечирди.

Инсон икки дунёда ҳам саодатли бўлиши учун табиий хилқатидан – Исломдан ажралмаслиги лозим. Шаръий қоидалар бўйича уни уйлантирдилар. Ўзбек қизи Раҳбарниса билан турмуш қурди. Турдихон ва Маъмуржон исмли фарзандлар кўришди. Улар ҳозир тумандаги «Ёшлик» ижара-ширкат хўжалигида ҳалол меҳнат қилиб, бахтли яшамокдалар. Бугун Турғунбой буванинг саккиз нафар набираси бор.


Турғунбой бува ҳозир 71 ёшга тўлдилар. Қишлоқ оқсоқоли бўлдилар. Ҳар куни шукроналар айтиб:

– Мен ким эдим, ким бўлдим. Мархум отам Абдусаммад Умаровдан бир умр миннатдорман. Уни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Алҳамдулиллаҳ, бир мусулмон сифатида мустақиллик офтобидан мен ҳам баҳрамандман. Аллоҳ юртимизнинг тинчлигини бардавом этсин, барчамизни хотиржамлик ва сихат-саломатликдан айирмасин, – деб дуо қиладилар.

Абдусаммад ИСҲОҚОВ,

Риштон тумани,
Бўжай қишлоғи

Дуо



II

Аллоҳим! Сендан ушбу исмларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. **Эй жанобларнинг жаноби!**
2. **Эй дуоларга ижобат этгувчи!**
3. **Эй яхшиликлар эгаси!**
4. **Эй даражаларни кўтаргувчи!**
5. **Эй баракотлари буюк Зот!**
6. **Эй хатоларни кечиргувчи!**
7. **Эй балоларни даф этгувчи!**

8. **Эй сўзларни эшитгувчи!**
9. **Эй тилакларни бергувчи!**
10. **Эй сир ва пинҳонларни билгувчи Зот!**

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан муназзаҳсан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!

Кездим дунёни сарсари

Кримтатар адабиётининг асосчиларидан бири Ошиқ Умарнинг дoston ва термалари, газаллари халқ орасида кенг тарқалган.

Ошиқ Умар 1621 йили (хижрий 1030) Қримнинг Кузлеве (ҳозирги Евпатория) шаҳрида кўнчи Абдулла Кенжа ўғли хонадонида дунёга келди. Мадрасада Саид Абдулкарим Шарифий деган муаллим Умарга адабиётдан сабоқ беради. Унинг таъсирида Умар ўзи ёзган шеърларга кўй басталаб, бахшилик қилади.

Ошиқ Умар туркий диёрларга сафар қилиб, Туркия, Эрон, Озарбойжон, Доғистонни кезади ва саккиз йилдан сўнг юртига қайтади.

У шарқ шоирлари ижодидаги халқчилликни яхши ўрганади ва ўзи ҳам уларга жўр бўлади. Бутун умрини шеър ва муסיқа ижодига бағишлаган шоир ғарбликда ҳаёт кечирган. Ошиқ Умарнинг бундан уч ярим аср муқаддам ёзилган газал ва мухаммасларини бугун ҳам қийналмай муталаа қилиш мумкин.

Сафтер НАГАЕВ,
кримтатар адиби

Ошиқ УМАР

Топ мени

Дилбар, бўлса ниятинг, кел, Хижозда топ мени,
Ё бўлмаса Каъбада, қишу ёзда топ мени.
Шунда ҳам тополмасанг, тўғри Шом йўлига туш,
Умавий жомеида ҳар намозда топ мени.
Неча йиллар ёлвордим, қабул бўлди бул тилак,
Қулингни унутмагин, эй малакзода малак.
Ошиғингни ғурбатга отди-ку чархи фалак,
Исфahонда топмасанг, кел, Шерозда топ мени.
Тинмайин кездим, Умар, мен дунёни сарсари,
Кўрмадим умримда ҳеч сенинг каби бир пари.
Ё Кўфадир масканим ва ёхуд Сарой ери,
Қарсни, Табризни айлан, шаҳри Нозда топ мени.

Дунё

Не-не жонларга жой берган
Мусофирхонадир дунё.
Энди тамом хароб бўлган
Бузгун, вайронадир дунё.

Қулаб йўқликнинг чоҳига,
Бенаволик даргоҳига,
Назар сол оҳу воҳига,
Қуруқ афсонадир дунё.

Бехуда ўтларга ёнма,
Жилмайиб боқса инонма,



Дўст бўлармиз деб алданма,
Абас, бегонадир дунё.

Қайга борсанг бахтинг кулмас,
Тақдир сени хурсанд қилмас,
Ёлғизлигу дард басма-бас
Тўла майхонадир дунё.

Умар, воз кеч сафосидан,
Вафо кутма вафосидан,
Эҳтиёт бўл жафосидан,
Ажиб ғамхонадир дунё.

Билмаслар

Инсон борки, бир нарсага мойилдир,
Осон нима, мушкулот не, билмаслар.
Ўйламаслар бу дунёнинг сўнгини,
Ҳаёт нима ё мамот не билмаслар.

Шайтонга эргашиб, гуноҳ-исенда,
Нафсини тиёлмай сайру сайронда,
Қуриб анжуманлар давру давронда,
Дунё нима, охират не, билмаслар.

Умар дер: Олимлар шуқуҳли онлар
Тўпланиб келишса, садақа жонлар.
Инжу сўз маъносин энди ким англар,
Қўшиқ нима, моқомат не, билмаслар.



**Фуркат
НИЁЗ**

Бухоронинг Шофирконидан. Ногиронлиги боис 9-синфдан кейин ўқишни уйда давом эттирди. Кейинчалик диний илмларга қизиқди. Арабий имлони ўрганиб, хаттотликдан сабоқ олди. Эътиқод ва ихлос ила адо этилган ибодатлар Фуркатжонга соғлом руҳият, қувват баҳи этди. Хонанишин бўлса ҳам, дераза ортидаги ҳаётга кенгроқ назар ташлади, теранроқ англашга ҳаракат қилди. Шеърятга ишқи тушди: Яссавий, Навоий, Фузулий, Машираб девонларини ўқиб, Фуркатжон ҳам шеърлар ёза бошлади.

Тўрт жавҳар

Инсон фитратида тўрт жавҳар бордир,
Улар кушандаси тагин тўрт мордир.
Жавҳари аввални билгил, бу — ақл,
Уни кемирувчи газабу жаҳл.
Жавҳари ноёбнинг сонийи — дин.
Уни кетказувчи ҳасад ила кин.
Учинчи жавҳарни англа ҳаё деб,
Унинг кушандасин тамаъ, риё деб.
Амали солиҳ-чи, тўртинчи келмиш,
Уни йўқ қилгувчи ғийбату миш-миш.



Синовдур бу ҳаёт бизга мудом ўнгу сўли бирла,
Кетар кимдур залолату кетар ким ҳақ йўли бирла.
Юрар карвон йўлига боқ, ҳамиша ул равон эрмас,
Ўтармиз гоҳи боғлардан, гоҳи саҳро-чўли бирла.
Ки тақдири азал недур, ани кўрмай кетиб бўлмас,
Пешонангга битиб қўймиш малоийклар қўли бирла.
Бўлар кимдур машаққатда, то ўлгунча чекар ранжлар,
Билолмай роҳате недур, ғаму андуҳ мўли бирла.
Яшар кимдир маишатда, ўтар, оҳ, умри ғафлатда,
Шукр деб айтмагай бир бор, ки ул ҳатто тили бирла.
Уларнинг наздида гўё турар мангу ҳаёт яшнаб,
Бу оламни сотиб олмоқ истагайлар пули бирла.
Бу олам турфа ранг дерлар, кўриб они томошо қил,
Лек унга маҳлиё бўлма, тикони бор гули бирла.
Синовдан ўтса ким яхши, ки ҳақ дийдорини топгай,
Етиб жаннатул-маъвога сирот отлиғ йўли бирла.
Қувонмас сен каби, Фуркат, етиб боргунча манзилга,
Асл деҳқон қувонгайдир кузакда ҳосили бирла.



**Абдурахмон
ХУСАНОВ**

Тошкент вилоятининг Чиноз туманида истиқомат қилади. Яқинда таҳририятимизга бир даста шеърӣ машқларини олиб келди. Бир оз ишлов бериб улардан иккитасини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

Яхшиликда барчага
Ибрат бўл, болам, алла...

Халқим эккан тераклар
Кўрк бўлар она юртга.

Мўминликда топ бахтинг,
Одамийлик — тож-тахтинг.
Пайғамбарга муносиб
Уммат бўл, болам, алла...

Ният қилиб тўйларни
Боққан каби қўйларни
Экинг шамшод тераклар,
Қуринг серфайз уйларни.

Алла
Кўзларимнинг нури сен,
Юрагимнинг кўри сен.
Соғлом ўс, белимга куч -
Қувват бўл, болам, алла...

Хур Ватан фарзандисан,
Боболар дилбандисан.

Халқим эккан тераклар

Оғайнидир тол тутга,
Бойдир барака-қутга,



Экинг, дўстларга ҳар дам
Очиқ эшиклар бўлсин.
Экиб қўйинг толлар ҳам,
Қутлуғ бешиклар бўлсин...

ҚУРЪОНИ КАРИМДА ҲАРФЛАР, СЎЗЛАР ВА СОНЛАР ТАВОФУҚИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
قُلْ لَنْ أَجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَيَّ
أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ
وَلَوْ كَانَتْ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا

Айтинг: «Агар одамлар ва жинлар ушбу Қуръонга монанд китобни яратиш учун йиғилсалар, уларнинг бирлари бошқаларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, бунга монанд нарсани ярата олмайдилар».

Ал-Исро, 88.

Қуръони карим ўн тўрт асрдан буён инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Янги-янги қирралари намоён бўлар экан, илоҳийлигига ишонмаганларнинг шубҳаларини батамом тарқатиш учун Қуръоннинг аввал маълум бўлмаган тилсимлари очилмоқда. Бу гал-биз унинг бир қирраси — сон-санокларга қисқача тўхталамиз.

Албатта, бу ерда аниқланган янгиликлар билан Қуръони каримнинг эътибори ошиб кетмайди ёки сон ва санок билан боғлиқ бу ҳодисалар бўлмаса, обрўи тушиб кетмайди. Фақат, демоқчимизки, бу ҳодисалар ҳам бежиз эмасга ўхшайди.



XX асрнинг 70-80 йилларида замонавий компютер технологиялари ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар натижасида олимлар Қуръони каримдаги ҳарфлар ва сўзлар орасида санокларнинг ўзаро мўъжизавий боғлиқлигини аниқладилар.

Маълум бўлдики, Қуръони каримда «**дунё**» (ал-дунё) ва «**охират**» (ал-охира) сўзлари эликдан зиёд оятда бирор марта ёнма-ён келгани ҳолда бир хил миқдорда, яъни 115 мартадан такрорланади. «**Дунё**» қанча бўлса, «**охират**» ҳам шунча, яъни, бу адолат тарозуси дунёга мос охира бўлишини ёдлатаётгандай.

«**Шайтон**» (аш-шайтон) ва «**фаришта**» (ал-малак) сўзлари ва улардан ясалган сўзлар ҳам Қуръонда бир хил — 68 мартадан келади.

Қуръони каримда «**ўлим**» (ал-мавт) сўзи ва ундан ясалган сўзлар (тирик мавжудотларга нисбатан) 145 марта такрорланади ва айни пайтда «**ҳаёт**» (ал-ҳаёт) ва ундан ҳосил бўлган сўзлар ҳам 145 марта такрорланган. Яъни қанча ҳаёт бўлса, шунча ўлим.

Қуръонда «**дин**» (ал-дин) ва ундан ҳосила сўзлар 92 марта, «**масжид**» (ал-масжид) сўзи ҳам 92 марта такрорланади.

Қуръонда «**имон**» (ал-имон) сўзи ва унинг ҳосилалари 811 марта келади. Шунингдек, «**Илм**» (ал-илм) сўзи — 782 марта ва унинг синоними бўлган «**маърифат**» (ал-маърифат) сўзи 29 марта такрорланади, «**илм**» ва «**маърифат**» сўзларининг сонини қўшсак (782 ва 29) 811 бўлади, яъни, илм ва маърифат қанча бўлса, имон шунчалиқдир.

Шуни айтиш лозимки, Қуръони каримдаги сонлар мўъжизаси сўзларнинг — синоним, антонимлар ҳамда мазмуни яқин мавзуларнинг тенглигидагина эмас. Бу мўъжиза яна уларнинг симметриясида, шунингдек, ҳайратли кашфи-

ётларга олиб келадиган ҳисоб-китобларнинг тилсимларидадир.

Маълумки, Қуръони каримда осмоннинг етти қаватлиги айтилади. Аллоҳ бу ҳақиқатни Қуръонда етти бор таъкидлайди, яъни, осмоннинг етти қават экани етти бор айтилади. Осмонни ва заминнинг олти кун ичида яратилгани ҳам 7 марта такрорланади. Яратилганларнинг Аллоҳ қошида қатор туришлари ҳам, «қатор»дан (ас-саф) ҳосила бўлган сўзлар ҳам етти бор такрорланади. Фотиҳа сураси ҳам 7 оятдан иборат. Аллоҳ йўлида ўз мол-мулкини сарфлайдиганларни ибрат қилиб кўрсатар экан, бир уруғни мисол қиладики, ундан 7 бошоқ ўсиб чиқади (*Бақара, 261*). Аллоҳ ўз сўзларини уммонга қиёс қиладики, бу уммонни 7 денгиз қувватлаб туради, яъни, унинг сўзи туганмасдир. (*Луқмон, 27*). Қуръони каримда дўзахнинг 7 дарвозаси борлиги айтилади. Аллоҳнинг ягоналигидан гувоҳлик берувчи оятнинг сўзлари ҳам еттитадир: «*Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расулуллоҳ*».

Қадр сурасида ўттиз сўз бор. Қадр кечасини ўз ичига олган рамазон ойида ҳам ўттиз кун бор. Қадр кечаси рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси эканини кўпчилик эътироф этади. Шуниси ҳайратланарлики, мазкур сурадаги қадр кечасини кўрсатувчи «*у*» сўзи сурадаги йигирма еттинчи сўздир.

Раҳмон сурасининг ўттиз биринчи оятдан бошлаб дўзах ва гуноҳкорлар тасвирланади. Мазкур сурада: «*Аллоҳнинг қайси хайрли ишларини сизлар ёлғон деб биласиз!*» деган жумла бир неча бор такрорланади. Дўзах борасида сўз кетганда мазкур сўроқ 7 марта такрорланади. Бу суранинг қирқ олтинчи оятдан бошлаб жаннат тасвири келади ва мазкур сўроқ 8 марта такрорланади. Қуръони карим ва ҳадислардан маълумки, дўзахнинг дарвозалари еттита ва жаннатнинг дарвозалари саккизтадир.

Бундай мутаносиблик Қуръони каримнинг бошидан адоғигача — барча сўзлари ва ҳарфларига тааллуқлидир. Масалан, яратилганлар — фаришталар, одамлар ва жинларга нисбат берилган «улар айтдилар» (қолу) ибораси 332 марта такрорланади. Ҳайратланарлиси шуки, Аллоҳнинг бандаларга нисбатан буюриб дегани: «*Айтинг*» (*Кул*) сўзи ҳам Қуръони каримда 332 марта келади!

«*Бахтсизлик*» сўзи (аш-шидда) ва ундан ҳосила сўзлар Қуръонда 102 марта тилга олинади ва «*сабр-бардош*», «*тоқат*» маъносидаги

«*ас-сабр*» сўзи ва унинг ҳосилалари ҳам 102 марта тилга олинади. Бошга қанча қийинчилик тушса, демак, шунча сабр қилмоқ керак.

«*Жазо*» (*ал-жазо*) ва ундан келиб чиққан сўзлар 117, қиёмат кунига чин дилдан ишонганларни авф этувчи «*кечириш*» (*ал-мағрифат*) сўзи ва унинг ҳосилалари роппа-роса икки бора кўп — 234 марта такрорланади.

«*Қуръон*» (*ал-Қуръон*) сўзи 80 марта тилга олингани ҳолда, унинг иниш усулини ифодаловчи «*вахий*» (*ал-вахий*) сўзи ҳам 80 бор келади.

Қуръони каримда «*элчи*» (*ар-расул*) сўзи ва унинг ҳосилалари 368 марта, «*пайгамбар*» (*ан-набий*) сўзи — 75 марта, «*хушхабар келтирувчи*» (*ал-башир*) сўзи — 18 марта, «*огоҳланттирувчи*» (*ан-назир*) сўзи — 57 марта тилга олинади. Ҳаммаси — 518. Энди имонлиларга хушхабарлар келтирувчи ва хавфлардан огоҳ қилувчи пайгамбарларнинг исмлари неча бор зикр этилганини санаб чиқайлик: Мусо — 136 марта, Иброҳим — 69, Нуҳ — 43, Юсуф — 27, Лут — 27, Исо — 25, Одам — 25, Ҳорун — 20, Исҳоқ — 17, Сулаймон — 17, Ёқуб — 16, Довуд — 16, Исмоил — 12, Шуайб — 11, Солиҳ — 9, Ҳуд — 7, Закариё — 7, Яҳё — 5, Муҳаммад (Аҳмад) — 5, Аййуб — 4, Юнус — 4, ал-Йасаъа — 2, Илёс — 2, Идрис — 2, Зул-Кифл — 2, Илёсин — 1 марта. Ҳаммаси 518 ни ташкил этади.

Сезган бўлсангиз, Исо ва Одам алайҳиссаломларнинг исмлари Қуръони каримда бир хил миқдорда тилга олинган. Зеро, Аллоҳ Ол-и Имрон сурасида: «*Ҳақиқатан ҳам, Исо Аллоҳнинг қошида Одам кабилдир...*» дейди (3:59).

«*Ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ ойларининг сони Аллоҳнинг китобида ўн икки ойдир...*» (*Тавба, 36-оят мазмуни*). Мўъжизани қарангки, Қуръони каримда «*ой*» (*аш-шаҳр*) сўзи 12 марта такрорланади. Қуръони каримда «*кун*» (*ал-явм*) сўзи — 365 марта, «*кунлар*» (*ал-айём*) ва «*икки кун*» (*ал-айёмун*) сўзлари 30 марта, яъни, бир ойнинг кунлари сонича тилга олинади! Бундай тенглик ва мутаносиблик тасодиф бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта.

Хуллас, Аллоҳнинг мўъжиза китобини алаган инсон бахтлидир ва унга эътиқод қилиб яшаган эл фаровондир.

INTERNET материаллари,
китоблар ва кузатишлар асосида
тайёрланди.

Эркин МАЛИК

КУТИЛГАН
ТАШВИШ

Турсунбой ишга отланаётган эди, хотини нолигандек бўлди:

— Адаси, бундоғ ниманг бор, ниманг йўгам демайсиза, кеч бўлса, юрагим безиллайдиган бўпқолди...

Турсунбой хотинининг кўнглини кўтарди:

— Бугунчаям амаллагин, жон хотин, эртадан ҳаммаёқ «сен же, мен же» бўп кетади. Қассобни обкеламан, сўқимни сўйиб сотамиз. Э ҳа, ҳазилакамми у!

Ишдан қайтаётиб Турсунбой маҳалла қассобини бошлаб кел-

ди. Қассоб молни кўриши билан харидор бўлди. Бироқ савдо пишмади. Қассоб гўштнинг нархи тушиб кетганини баҳона қилди. «Сабр қилиб турсангиз, гўштнинг нархи кўтарилиши билан ўзим келаман», деди у. Бу гап Турсунбойга маъқул тушди. Ахир озмунча қарадими, болаларига бермасаям, шунга едирди.

Лекин қассобни кузатиб кўйди-ю, баттар боши қотди. Аксига олиб сўқимнинг охури ҳам қуриб қолган экан. Одамку йўқчиликка чидайди. Ҳайвон зоти-чи, дарров этдан тушади.

Турсунбой нажот қидиргандек атрофга аланглади. Бундай пайтларда кўзи нуқул қўшнисининг данғиллама иморатига ту-

шади. Ҳасад қилмайди-ю, кўнглидан бир нималар кечади. «Зап омадли кўшним бор-да. Тижорат дегани ёққанда шу кишига ёқди-да. Ана уйу мана уй. Бир эмас, икки мошина. Бири жомакорга, бири хўжакўрсинга».

Турсунбой бирор марта кўш-нисиникига бош эгиб, нарса сўраб чиқмаган эди. Шу гал сўраса-чи, ўн-ўн беш минг нима бу одам учун. Сўқимни пуллайдю беради.

Турсунбой шундай бепи-сандлик билан кўшнисиникига чиқди-ю, нақ ер чизиб қолди. Худди милён сўраётгандек кўшнидан садо чиқмасди. Турсунбой соддалик билан яна кўшимча қилди:

— Пул йўқ эмас, кўшни, ана, оғилхонада пишқириб ётибди...

— Менам шунга ҳайрон бўлиб турибман-да, — деди кўшни ёрилиб, — пишқириб ётган бўлса, сотиш керак, зарилми, бунақа қарз сўраб, саргайиб юриш.

— Қассобни опкелувдим, гўштнинг нархи тушиб кетибди, — деб ўзини оқлаган бўлди Турсунбой.

Тақриз-тўйхат

ШАЙТОННИ ТАНИБ ОЛИНГ, БОЛАЛАР

Ҳожи ота (ёзувчи Эркин Маликни ишхонада ҳамма шундай деб чақиради) бошлиқ сифатида бир топшириқ берувдилар, вақтида бажаришга ҳафсала қилмадим. Орадан ўн кун ўтди ҳамки, ишдан дарак йўқ. Бирга намоз ўқиймиз, тушлик қиламиз. У киши менга «Тақсирим» деб мурожаат этадилар, мен эса икки гапнинг бирида «ҳожи ота»лаб тураман. Хуллас, танбеҳ беришга сира имкон қолдирмайман.

Ўн биринчи куни чой дамлаб энди ичаман деб турсам,



хонага Ҳожи ота кириб келдилар. «Хў-ўш» деганларича ёнимдаги курсига чўкдилар. Жиммиз. Ҳазил қилиш йўли топилмаяпти. Чой қуйиб узатдим. У киши менга терс қараган кўйи чап қўлларини чўзганларини кўрдиму суюниб кетдим. Тамом. Энди иш ҳақида гаплашмаймиз, танбеҳ ҳам бўлмайди. Шартта кўлимни тортдим.

— Ҳар бир нарса, ҳатто мана шу пиёладаги чой ҳам Аллоҳ берган неъмат, — дедим. — Сиз эса, бу неъматни чап қўл билан олмоқчи бўляп-

– Бориға бозор қилавериш керак. Тижорат иши шу. Менам бугун бир сўмга сотган нарсамни, эртага ярим сўмга сотавераман. Нархи кўтарилсин деб яшириб қўймайман.

Турсунбой чайналди:

– Ҳа, энди сиздақа бўлишга йўл бўлсин, қўшни.

Қўшнининг қарз бергиси келмаяптими ё ниманидир Турсунбойга тушунтирмаяптими, ишқилиб, яна жим бўлиб қолди. Турсунбой бўлса, ич-этини еб ўтирарди. «Ё тавба, бу қўшним томса ялайман деган хилидан экан-ку. Йўқ деб қўяқол, майдалашиб, ақл ўргатмасдан...»

Ниҳоят қўшни зарда қилгандек деди:

– Хўп, бериб тураман, қачон қайтарасиз?

Турсунбой довираб қолди. Сўқимни пуллаганда демокчи бўлди-ю, бунақа даргумон жавоб қониқтирмаслигини сезиб:

– Ўн куннинг у ёқ-бу ёғида қўлга ойлик тегадиган, – деди.

Турсунбой олган қарзига дарров ем олиб келди. Ҳарна сўқимнинг этига эт қўшилиб туради. Бироқ мол янги емни ҳидлаб

кўрдию оғзигаям олмади. Моғор ҳиди бор эканми? Бошқасини олиб келди. Яна ўша аҳвол. Бир, икки кун қантарди. Бўлмади. Мол дўхтирига кўрсатди...

Бу ўртада ўн кун муддат ҳам келиб қолди. Турсунбой қарзидан қутулиш учун хазиначига йўлиқди. Ойлик чиқмапти. Қачонлардир қурилиш материаллари олган экан, ўшанга босиб қолибди.

Бир сўм бўлсаям сўқимни сўйиб сотаман, деган қатъий қарор Турсунбой билан уйга келди-ю, нақ елкасига тоғ ағдарилгандек бўлди. Ишонган бойлиги – сўқими ҳаром қотиб қолибди. Ана холос...

Турсунбой эртасига қўшнисиникига чиқиб, аҳволидан шикоят қилган бўлди-да, узрини айтди. Қўшни шундай бўлишини худди олдиндан сезгандек, деди:

– Сиз бу ташвишни қачон сотиб олганингизни биласизми?

Турсунбой ҳайрон бўлиб қўшнига тикилди-да:

– Кошкийди, – дея мингирлади.

– Сўйиладиган молни

сўймай, ниятингиз бузилиб, мендан қарз сўраб чиққан кунингизда.

– Шу ишим Худога хуш келмади шекилли.

– Қандоқ қилиб хуш келсин, Аллоҳ бераётган ризқини бандаларининг қўлига сочиб қўяркан. Биз бўлсак нарх-наво кўтарилсаям зорланамиз, пастласаям зорланамиз. Нафсимизга бир уриб, бориға бозор қилишни билмаймиз...

– Ҳа энди, – деди Турсунбой, – Пушаймондан фойда йўқ. – Сиздан илтимос, қарз муддатини сал чўзсангиз.

– Гап бундай, – деди қўшни нимагадир овозини пасайтириб, – пулнинг ташвишини қилманг. Мен у пулдан Аллоҳ учун кечдим. Сизга ҳада.

Турсунбой қўшнисини энди таниётгандек, унга тикилиб қолди. Қўшни синиқлик билан ерга қараб турарди. Турсунбой бу одам ҳақида нималар демади. Нима бўлганда ҳам дилидаги гап тилига кўчди:

– Мени кечиринг, қўшнижон.

– Мен эмас, Аллоҳ кечирсин...

сиз. Бунақада чап қўл эгаларидан бўлиб қолишингиз мумкин. Номаи аъмолимни ўнг тарафдан олай деб ният қилинг-да, ўнг қўлни узатинг, чой берай...

Ҳожи ота тезгина истиффор айтдилару мен томонга ўгирилиб: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб ўнг қўлларини чўздилар, мен эсам, тавозеъ билан пиёлани у кишига тутдим. Шу хусусдаги гаплар бошқаларининг қулоғидан тортиб чиқарди – суҳбатимиз шомгача чўзилди. Эртасига ишни топширдим. Бошлиқ жеркиброқ гапирса, ходим ҳам

* «Шарқ» нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси, 2000 йил.

«Саломга яраша алик» олса, қарабсизки, шайтон хурсанд, икки мусулмоннинг қовоқ-тумшуғи осилган. Аллоҳ асрасин.

Эркин Маликнинг «Найрангбоз шайтонвачча» номли китобини ўқиб чиққач, бояги воқеани эсладим. Бу қиссани ўқиш қийин. Жуда эзмаланиб ёзилганга ўхшайди. Ҳаммаси майда-майда гаплар, икир-чикирларнинг тасвири. Бир оз ўтгач, зерикиб қарёқдан пайдо бўлаётганини англай бошлайсиз. Эсангизни қотираётган нарса ёзувчининг тили ёки маҳоратидаги нуқсонлар эмас, балки «Дуч келган нарсани шайтонга олиб бориб тақайверар экан-да! У аралашмаган ҳодиса йўқми?

Роса майдалашибди-е!» қабилдаги гапларни қулоғингизга шипшиётган шайтони лаъин эканини пайқайсиз.

Адиб бир оила турмушини қаламга олган. Хожа яқиндагина ҳақ йўлга қайтган, бека эса, унга истеҳзо билан қараб, саркашлик қилиб юрганлардан. Болалари гоҳ ота йўригига юришса, гоҳ онанинг ноғорасига ўйнаб қўйишади. Ҳар бир ҳаракатни она-бола шайтонлар синчковлик билан кузатиб туришади. Салгина иложи бўлиши биланоқ уларни чалғитади, озор беради, измига бўйсундиради. Фақат Аллоҳ

(Давоми 26-бетда)

ШАЙТОННИ ТАНИБ ОЛИНГ, БОЛАЛАР

(Давоми. Бошланғичи 24-бетда)

исми айтилиб, ундан мадад сўралгандагина уларнинг ғазаблари келиб, азобланишади.

Болалар касалхонага тушишганида Бисмилло холага дуч келиб қолишган пайтини олиб кўрайлик. Тепада шайтонлар одамларни кузатиб туришибди. Инсонлар жahl билан бир-бирига аччиқ-тирсик гаплар айтишса, айниқса, куфрони неъмат қилиб,


осийларча фикрлашса, улар севинишади, кучга тўлишади. Қачонки Аллоҳнинг исмини айтиб, бир-бирларини сабрга чорлаб, меҳрибонлик қилишса, шифтга қаттиқ урилиб, азоб чекишади.

Тавбадан кейин яна гуноҳга кўл уриш тавба қилмасдан олдинги катта жиноятлардан кўра мудҳишроқ деб баҳоланади. Тавбанинг чин бўлиши, инсоннинг Аллоҳга берган ваъдасида қаттиқ туриши

қийин кечади. Ҳар лаҳза шайтон кутку солиб туради. Эркин Малик ана шу ҳолатларни энг оддий воқеалар соясида мохирона кўрсатиб берган.

«Найрангбоз шайтонвачча»ни эринмай ўқиб чиқиш, болаларга тушунтириш лозим. Яна бир эътиборли томони шундаки, китоб лотин алифбосида босилган, ўғилқизларимиз бемалол ўқий оладилар.

Болалигидан тишида бузоқчани кўтаришни машқ қилган полвон катта бўлганида ҳўкизни ҳам бемалол кўтара олганини эшитгансиз, албатта. Шайтон омини омили билан, олимни олимлик билан адаштириши ҳақидаги гапни эсласак, маълум бўладики, фарзандларимизга шайтон қаттиқ кўз тиккан. Уларни ҳозир измига юргизиб олса, кейин бемалол етаклаб кетади. Болаларимиз ҳам у лаънاتини ҳозир таниб, энгишга ҳаракат қилсалар ва муваффақ бўлсалар, кейинчалик шунга ўрганадилар, яъни, шайтон билан тинмай курашиш уларга одат бўлиб қолади. Эркин Маликнинг қиссасидан шундай эзгу хулосалар келиб чиқади.



Аъзам ЎКТАМ

Дуо

III

Аллоҳим! Сендан ушбу исmlарнинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй кечиргувчиларнинг энг яхшиси!
2. Эй ёрдам бергувчиларнинг энг яхшиси!
3. Эй ҳукм этгувчиларнинг энг яхшиси!
4. Эй ҳар нарсани ҳикмат-ла очадиганларнинг энг яхшиси!
5. Эй эслагувчиларнинг энг яхшиси!
6. Эй ворисларнинг энг яхшиси!

7. Эй мақталгувчиларнинг энг яхшиси!

8. Эй ризқ бергувчиларнинг энг яхшиси!

9. Эй мушкулотларни, масалаларни ҳал этгувчиларнинг энг яхшиси!

10. Эй эҳсон қилгувчиларнинг энг яхшиси!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан муназзаҳсан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!



Бир саволим бор



эшитувчилар дунёвий сўз ва ишлардан тийилмоқлари зарур. Салафи солиҳларимиз шундай кўрсатма беришган. Масжидга бориш асносида азонни эшитган киши юришини давом эттираверади.

(«Нафъул муфти вас-сонл»)

Алҳамдулиллаҳ, ҳар куни масжидларимиздан беш маҳал азон янграб турибди. Мен азон эшитганимизда нима қилишимиз лозимлигини билишни истардим.

Оқилжон ДЎСМАТОВ,
Тошкент

Жавоб. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай амр қиладилар: «*Муаззиннинг азонини эшитсангиз, унинг айтганларини айтинг*».

Бу бобдаги мазкур ва бошқа ҳадиси муборақларга биноан муаззин азонини эшитган

мўмин унга жавоб қайтариши вожиб бўлади. Мужтаҳидларнинг истинботи шу. Жавоб қандай бўлишига келсак, ҳадиси шарифда марҳамат қилинганидек, муаззин нимани айтса, ҳар бир калимасидан сўнг эшитувчи ҳам ичида айнан такрорлайди. «Хаййа ғалас-солаҳ» ва «Хаййа ғалал-фалаҳ» нидоларини эшитганида «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ғалиййил ғазим» дейиш керак. Бомдод намозининг азонидаги «Ас-солату хойрум-минаннавм» огоҳига «содақта ва барорта» деб жавоб берилади.

Азон айтилаётганда уни

Эътикоф ҳақида тушунча берсангиз. У қандай адо этилади?

Отабой КАРИМ,
Тошхувуз

Жавоб. Жунубдан пок болиг ва оқил мусулмоннинг ибодат ниятида маълум вақт масжидда ўтириши эътикофдир. Аёллар эътикофи ўз уйларида, доимий намоз ўқийдиган жойларида бўлади. Эътикофда ўтирган аёл ҳайз ва нифосдан тоза бўлиши керак.

Эътикоф вожиб, суннати муаккадаи кифоя (баъзиларнинг бажариши билан қолганлардан соқит бўлади) ва мустаҳаб турларга бўлинади.

Ким тили билан эътикоф ўтиришни назр қилса, у вожиб бўлади. Вожиб эътикоф учун рўза ҳам шартдир. Яъни, ўзига эътикофни назр қилган киши эътикофда рўза тутиб ўтириши лозимдир. Вожиб эътикофнинг энг ози бир кун. Бир кун эътикофда бўлишни ўзига назр қилган киши тонг отмасидан масжидга кириши ва қуёш ботгун-

ча ичкарида бўлиши лозим. Эътикофдаги киши табиий ҳожатидан ва ўтирган масжидда жума ўқилмаса, жума намозидан бошқа юмуш учун масжиддан чиқмайди. У масжидда ухлайди, овқатланади. Мутолаа қилиб ўтиради. Гаплашса, фақат яхши гапларни гапирди.

Рамазон ойининг охириги ўн кунда эътикоф ўтириш суннати муаккадаи кифоядир. Бундан бошқа вақтда эътикоф ўтириш мустаҳаб бўлади. Мустаҳаб эътикоф учун рўза шарт эмас. Зеро, унинг энг ози бир соатдир.

Дўстларимдан бири «Ғийбат ҳам таҳоратни синдирар экан», деб айтиб қолди. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Одил ЖАЛИЛОВ,
Самарқанд

Жавоб. Ғийбат таҳоратни синдирмайди. Бунда фуқаҳолар хилоф қилишмаган. Аммо ғий-

бат қилган киши таҳоратини янгилаши мустаҳаб дейишган (*Мажмаул барокот*).

Ғийбат тубан маънавий иллатдир. У жамият бирлиги ва осудалигига раҳна солувчи омилдир. Ғийбатчи ўз «қасби» билан дўстлар орасини бузади, ҳамсоялик муносабатларига ҳалал еткази, натижада жамият тинчлигига зарар етади.

Ғийбатчи Аллоҳнинг ҳаққини ва банданинг ҳаққини поймол қилганидан имонини хатарда қолдиради. Бинобарин, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ғийбатни ҳалокатли етти улкан гуноҳдан бири деб хабар берганлар.

Жавобларни

Муҳаммад Шариф ЖУМАН
тайёрлади.

Жаъфар ХОЛМУМИНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
академияси аспиранти



*Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи рубоиёт» асарида
тавҳид масаласи*

Ҳазрати Алишер Навоий «Кутби тариқат» ва «Ҳақиқат асрорининг қошифи»¹ деб эътироф этган табаррук зот Ҳазрати Мавлоно Нуриддин Абулбарокат ибн Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Абдурахмон Жомий (1414 – 1492) тасаввуф ва ирфон дунёсида ва умуман, Исломи адабиётида биринчи навбатда «Нафаҳотул-унс мин ҳазаротул қудс» муаллифи сифатида шуҳрат қозонган. Алишер Навоий тақлифига биноан ҳижрий-қамарий 881 йилдан 883 йилгача (1476-1478) ёзилган бу асар, дарҳақиқат, мусулмон Шарқ оламининг олти юз ўн тўрт нафар сўфий ва орифлари ҳаётидан маълумот берувчи энг мўътабар тарихий манбалардан биридир.

Аммо Мавлоно Жомийнинг яна бошқа асарлари ҳар борки, уларни ўрганмасдан ва тадқиқ этмасдан туриб нақшбандийа тариқатининг фалсафий-ирфоний асосларини ўрганиш ва бу ҳақда мукамал тасаввурга эга бўлиш мушкул. «Шарҳи рубоиёт» («Рисолаи Шарҳи рубоиёт», «Шарҳи ру-

боиёт дар исботи ваҳдатал-вужуд») Жомийнинг айнан ана шундай асарларидан биридир. Бу асар XV асрда амалий-мазҳабий, сиёсий-ижтимоий тус ола бошлаган нақшбандийа тариқатига фалсафий-ирфоний руҳ бағишлашда алоҳида ўрин тутган шарҳнома саналади.

«Шарҳи рубоиёт» хусусида биринчи маротаба Алишер Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин»да маълумот бериб ўтади ва бу асарга «фано тариқатида мосиваллоҳ адосига тўрт такбир урмоқ анинг мутолаасидан муяссардир»², деб юсак баҳо беради.

Мавлоно Жомий бу асарда ўзининг қирқ олти рубоийига шарҳ ёзган. Асар жанр нуқтаи назаридан анча мураккаб. Форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиёти анъанасида унинг янгилиги шундаки, муаллиф ўзининг асарларига ўзи шарҳ битган. Бу жанр ва унинг услуби кейинчалик адабий анъана сифатида ривожланди.

Асарда аввал рубоийлар, сўнг шарҳи берилган. Арабча матнлар, ояту ҳадислар, хусусан, ибн ал-Арабий ва унинг

шогирдларининг ҳамда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг халифаларию муридларининг сўзлари далил ва мисол сифатида араб тилида берилиб, унга билдирилган муносабатлар форс тилида баён этилган.

«Шарҳи рубоиёт»нинг асосий мавзуи **вахдатал-вужуд** масаласи бўлиб, муаллиф Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг ваҳдатал-вужудга оид назариясини нақшбандийа тариқатига олиб киришни мақсад қилиб қўйган. Айни чоқда асарнинг «моҳиятига эътибор қилинса, унинг замирида нақшбандийа тариқати таркибида яратилган янги фалсафий-ирфоний қарашларнинг илмий-назарий асослари шарҳлангани кўрилади.

Илмий-назарий қарашлари марказида эса, Исломи ақоидининг асосий руки – тавҳид масаласи туради. Мавлоно Жомий нақшбандийа тариқатининг сайру сулукига – тавба, робитаи муршид, таважжух (шайхга таважжух ва Ҳаққа таважжух; шайхнинг муридга, Аллоҳнинг бандага таважжухи), зикр одоби (зикри хайфий), вуқуфи қалбий ва вуқуфи адабий ...ларни, ибн ал-Арабий фалсафасининг асосий рукнлари ваҳдатал-вужуд, зот, сифат ва асмои ҳақ, илм ва маърифат, тажаллий, аъёни собита, ғайб ва шуҳуд ...ларни олиб қираб экан, уларни ўзаро боғловчи восита излайди. Икки кутбни бир-бирига боғловчи бу восита асосда тавҳид масаласи бўлиб чиқади.

Масалан:

**Дар кавну макон нест аён
жуз як нур
Зоҳир шуда он нур ба
анвоъи зуҳур.
Ҳақ нуру танаввуъи
зуҳураш олам,
Тавҳид ҳамин аст, дигар
вахму гурур.³**

Рубоий қуйидагича шарҳланади:

**«Ҳақиқий нур биттадан
ортиқ эмас ва илоҳий нур-
дир. Илоҳий нур ҳеч ким ва**

ҳеч нарсага мансуб эмас, чегараланмаган, интиҳосиздир. Олам эса неча минг сифат билан тажаллий этган ва турли кўринишларда зуҳур этган илоҳий нурдир»⁴.

Жомий назарида, олам деб аталмиш, сон ва миқдор жиҳатдан кўп бу хилма-хил мавжудот нурнинг муқобил аксидир, Ҳақ субҳона вужудининг турли ҳолатлар, ранглар ва кўринишларга зуҳур этишидир. Демак, ана шу ҳолатни, яъни, олам Ҳақ нурунинг хилма-хилликда зуҳур этишидан пайдо бўлишини англаш, Жомий назарида, Аллоҳнинг ягоналигига иқрор бўлишдир.

Жомий бошқа рубоийида ўзининг тавҳидий қарашларини янада теранроқ ва аниқроқ ифодалаб берган. Бу рубоийидаги тавҳид баёни биринчисига нисбатан анча содда, мўъжаз, самимий ва таъсирчан чиққан:

**Аз соҳати дил губори
касрат руфтан
Хуштар ки ба ҳарза
дурри ваҳдат суфтан.
Мағрури сухан машав,
ки Тавҳиди худой
Воҳид дидан бувад,
на воҳид нуфтан.**⁵

Яъни, Жомий наздида қалбдан касрат (кўплик) губорини ювмоқ ваҳдат (бирлик) ҳақида гўзал сўзларни ёзмокдан афзалдир. Касратни «қийлу қол» деб санаган Жомий ваҳдат дуррига сайқал бермоқни, яъни, ваҳдат ҳақида гўзал сўзлар битмоқни беҳуда, пуч бир амал деб билади. Бундай бефойда амал билан шугуллангандан кўра, қалбни касрат губоридан поклашни маъқул кўради. Зеро, касрат инсонда шак-шубҳа уйғотади ва қалбни занглатади. Бу зангланишдан наҳот топган одамгина ваҳдат моҳиятини англаб олиши мумкин.

Жомий учинчи ва тўртинчи мисраларда ўзининг сўфиёна қиёфасини дадилроқ кўрсатишга ҳаракат қилади ва, Ал-

лоҳни тавҳидий дунёқараш асосида билишга илм ожизлик қилади, демоқчи бўлади. Чиройли сўзлар, далилу исбот талаб қилувчи қийлу қоллар билан тавҳидга етиб бўлмайди, дейди. Зеро, тавҳид дегани «воҳид» демоқ эмас, воҳид кўрмоқдир. Аллоҳнинг бирлиги тил билан иқрор этилса, аммо дил билан иқрор этилмаса, у тавҳид эмасдир. Жомий бу масалада барча муваҳҳид орифлар билан бирлашади. Жумладан, Имом Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий Бухорий тавҳид шарҳида шундай ёзади: «Тавҳид бир деб айтмоқ ва бир деб билмоқдир. Бир деб билмоқ дегани шуки, ундан бошқани кўрмаслигинг керак, агар ундан ўзгани кўрсанг, тавҳид бўлмайди»⁶.

Муваҳҳид орифлар наздида, Аллоҳнинг бирлигини билмоқ (англамоқ ё кўрмоқ) уни сўз билан, тил билан ифодалашдан афзалроқдир.

Ислом ақоидининг асоси бўлмиш тавҳид тушунчаси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг фикҳий мазҳабларида куйидаги тарзда талқин этилади:

«Валлоху таъала воҳидун ла мин тариқил ʼадади ва лакин мин тариқи аннаҳу ла шарика лаҳу».

Яъни: «Аллоҳ таоло бирдир, бирлиги адад юзасидан эмас, яъни, кўпнинг бири эмасдир, балки унинг шериги бўлмагани ваҳҳидан ўзи танҳодир, яқка-ягонадир»⁷.

Исломда тавҳидий дунёқараш аслида Ихлос сурасига асосланади: **Яъни:** «(Эй Муҳаммад), айтинг, «У – Аллоҳ Бирдир (яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яқкаю ёлғиздир). Аллоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзлангучидир (яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). У туғмаган ва туғилмагандир (яъни, Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, отонаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). **Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир».**

Мавлоно Жомий бу масалага бир томондан ҳанафий мазҳабидаги мутакаллим ва муфассир олим сифатида, иккинчи томондан, нақшбандий сайру сулукидаги сўфий сифатида ёндошади. Аммо унинг тавҳидий қарашлари ваҳдатал-вужуд ғоялари билан қоришиб кетган. Ибн ал-Арабий, аксинча, тавҳид деганда ваҳдатал-вужудни тушунади.

Ибн ал-Арабий Ислом динидаги бирон-бир мазҳабга мансуб бўлмаган мужтаҳид даражасидаги улўғ олим бўлсада, Абдураҳмон Жомий унинг тавҳидий қарашларини баҳсга олиб киришни жоиз топмагани сабабли бу масала хусусида ҳеч нарса демайди. Яъни, уни инкор ҳам, қабул ҳам қилмагани ҳолда, ўзининг мазҳабий доирасидан четга чиқмайди. Жомийнинг ирфоний дунёқарашини ибн ал-Арабий таълимотидан ажратиб турадиган нарса ҳам, бизнингча, шу бўлса керак. Демак, Мавлоно Жомийни ибн ал-Арабий мактабидаги тақлидчи издош эмас, балки мазкур мактабни маълум даражада ислоҳ этиб, унга нақшбандиёна сафо бағишлаган буюк назариётчи олимдир, десак муболага бўлмайди.

Изоҳлар

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 6-жилд. Тошкент, 1965, 9-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 15-жилд. Тошкент, «Фан».

³ ЎзФА Шарқшунослик Институти, қўлёзмалар хазинаси, 503-IV рақамли қўлёзма, 55-б варақ.

⁴ Ўша манба, 56-а варақ.

⁵ ЎзФАШИ қўлёзмалар хазинаси, РН 514-V рақамли қўлёзма, 1746-варақ.

⁶ Хожа Имом Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий Бухорий. «Шарҳи ат-таарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф». Рубъи чаҳорум. Бо муқаддима, тасҳиҳ ва таҳшияе Муҳаммад Рўшан. Техрон, 1366, саҳ. 1666.

⁷ Ас-Саййид Маҳмуд бин ас-Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий. Ал-фикҳ-ул-акбар. Ал-мамлакат-ул-арабийя ас-Саудия, 1373, 7-бет.

Улуғбек РАСУЛОВ,

Марказий ҳарбий шифохона жарроҳлик бўлими
бошлиғи, тиббиёт хизмати подполковниги

ҲАР ОН ЮРТНИ СОҒИНДИМ

Олмония таассуротлари

Бир ярим йил Олмонияда хизмат сафариди бўлиб қайтдим. Дунёда олмонлардек қонунпараст, тартиб-интизомли халқ бўлмаса керак. Маълумки, давлат томонидан ёзилган ҳамда ёзилмаган қонунлар бўлади. Дейлик, транспортда қарияларга ва аёлларга жой бериш, сигарет ёки музқаймоқ қоғозини махсус чиқит қутисига ташлаш, жамоат жойларида шанғилламаслик каби қоидалар ҳеч қаерда ёзилмайди, лекин уларни ҳамма билади, риоя қилади. Булар инсоннинг маданиятидан дарак беради, унинг раиятга нисбатан эътиборини кўрсатади. Ҳар бир олмон ўз халқини, қадриятларини жуда юксак қадрлайди. Шунинг учун бўлса керак ёзилган ва ёзилмаган қонунларнинг барчасига амал қилади.

Олмонларнинг ишга бўлган муносабати ҳақида алоҳида гапириш керак. Ҳар бир ишчининг энг биринчи қонуни ҳалоллик, иккинчиси тартиблилик. Олмонлар бажарган ишнинг сифати ҳақида иккиланмасангиз ҳам бўлади; дўконларда олган нарсаларингиз қийматини қайта ҳисоблаб, қайтимни қайтадан санашга ҳожат йўқ. Зотан, ҳар ким ишини вақтида ва сифатли бажаришига ҳаётнинг ўзи мажбур қилади. Олмонияда ҳозир тахминан 3,7 милён иш-

сиз бор. Улар давлат томонидан бериладиган нафақа ҳисобига яшашади. Бу нафақага яшаш мумкин албатта, лекин фарзандларингизга яхши билим бера олмайсиз ёки уларнинг келажагини кўнгилдагидай ҳозирлай билмайсиз. Ишлаганлар эса, келажагидан беҳавотир



бўлади. Шу сабабли ишчи ўз ўрнини мустақкам ушлашга ҳаракат қилади. Ишини пухта бажармаса, эртагаёқ ўрни йўқолишини ва бу ўринга юзлаб одам кўз тикиб турган

нини яхши билади. Рақобатнинг кўпгина ижобий томонлари борлигига ўша ерда амин бўлдим. Ҳар бир киши, ҳар бир фирма ўзгалардан кўра яхшироқ бўлишга, кишиларни ўзига жалб қилишга интилади. Биттагина ноҳўя иш, хато сабабли кўплаб мижозларни ва бундан келиб чиқиб, даромаднинг катта қисмини йўқотиши ҳеч гап эмас.

Ғарбда замонавий оила тушунчаси бутунлай бошқача экан. Масалан, бир олмон эркак бир олмон аёли билан қонун ва дин олдида ҳеч қандай мажбуриятсиз муносабатга киришиб кетаверади. Уни оила деб аташ ҳам қийин. Бизнинг эътиқодимизча, бундай муносабатлар ҳаром. Бизнинг ҳаёли-иболи мусулмон дунёқарашимиз бундай муносабатларни қабул қилмайди, албатта. Олмонлар билан бу мавзуда кўп баҳслашганман. Қарангки, бундай муносабатларнинг туғилиши асосида ҳам пул, сарф-харажат турар экан. Биринчидан, аёллар ҳозирги кунда эркакларга моддий қарам эмаслар. Улар эркаклар билан бир хил, баъзан эркаклардан ҳам кўпроқ пул топишади. Бу ҳол уларга бир ёки икки фарзандни эрнинг моддий ёрдамисиз ҳам тарбиялай олиш имконини беради. Шунинг учун улар қонуний-шаръий оила қуришдан кўра, юқорида айтиб ўтилган муносабатларга мойилроқлар. Иккинчидан, олмон қонунларига кўра, эр-хотин ажрашганида эр фақат фарзандлари учун эмас, балки собиқ хотини учун ҳам нафақа тўлашга мажбур (хотини қайта турмуш қурган-қурмаганидан қатъи назар). Бу ҳол олмон эркакларининг оила қуришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришларини тақозо этади. Учинчидан, ажрашиш, суд жараёни учун эр-хотин каттагина миқдорда пул тўлашга мажбурлар. Мана шу уч сабабнинг ўзи ҳам олмонларга оила қуришдан кўра «дўст-дугона» тарзида яшашни афзал кўрсатади. Шу «дўсту дугона»лар бир неча йил бирга яшаб, айнан бир-бирларига жуфт эканликларига амин бўлганларидан кейингина қонуний оила тузадилар. Баъзиларга бунинг учун бир йил кифоя, баъзиларга ўн йил ҳам кам.

Олмонияда ота-онанинг вояга етмаган ва вояга етган фарзандига муносабати орасидаги фарқ кўзга яққол ташланади. Кўп ота-оналар фарзандлари ўн етти ёшга тўлганидан кейин уларни мустақил ҳаёт кечиришга ундайдилар.



Ёшларнинг ўзлари ҳам шунга ҳаракат қилишадди. Бир куни телевизор орқали ўн етти ёшли ўғил ва унинг онаси ўртасида бўлаётган баҳсни кўрдим. Унда ўғил онаси унга бир ойда 50 маркадан ортиқ пул бермаслигидан, бу пул унга янги кийимлар олишга, кино ва дискотекаларга етмаслигидан шикоят қилса, унинг онаси ўғли ўн етти ёш бўлатуриб, ҳали ҳам ундан пул сўрашидан газабланарди. Олмония учун вояга етган фарзанд ота-онаси билан яшаганида уларга ижара пули тўлаши унча ажабланарли ҳол эмас. Ёнма-ён хонадонда яшаб бир-икки ойлаб ота-онасининг уйига кирмайдиган фарзандлар ҳам талайгина. Маълум бир вақтгача энг самимий ва энг яқин бўлган ота-она ва фарзанд муносабатлари кейинчалик кескин ўзгариши сабабини мен ҳалигача тушуниб етганим йўқ.

Сўнги йиллардаги олмон илм-фани ривожига, техникаси тараққиётига, тиббиёт соҳасидаги ютуқларига, спортдаги натижаларига бутун дунё ҳавас билан қарамоқда.

Бундай жамиятда дин қандай ўрин тутаети? Биринчидан, олмонлар ичида худога ишонмайдиганлари деярли йўқ экан. Иккинчидан, диндор кишиларга, улар қайси динга мансуб бўлишларидан қатъи назар, ҳурмат баланд экан. Бунга Олмонияга биринчи келган кунимданоқ амин бўлдим. Шу кунимиз расмий ҳужжатларни тўлатиш билан бошланди. Шахсий варақадаги 4-савол «Қайси динга мансубсиз?» дейилган эди. Жавобларни кўздан кечириб чиққан Бундесвер чет тиллар мактаби бошлиғи: «Мактабимизда етти мусулмон бор экан, илтимос, менинг ёнимга келинглари», деб қолди. Унинг олдида борганимизда ҳар биримизнинг шахсий ҳужжатимизнинг четини яшил ранг билан бўяб қўйди ва шу ҳужжатни ошхонада кўрсатсак, биз учун алоҳида пиширилган овқат берилишини айтди. Бутун мактабда 500 дан ортиқ киши бўлса, шулардан еттовимиз учун алоҳида овқат пишириларди. Бир куни нонушта маҳали пишлоқнинг икки-уч туридан олдим. Жойимга ўтириб, энди овқатлана бошлайман деб турганимда шу ерда ишлайдиган бир аёл югуриб ёнимга келиб: «Кечирасиз, сиз олган бир пишлоқнинг ичида майда тўғралган чўчка гўшти бор, сизга буни ейиш мумкин эмас», деди ва бундан мени олдинроқ огоҳ этолмагани учун қайта-қайта узр сўради.

Бир куни мактаб бошлиғи яна ҳамма мусулмонларни ўз хонасига таклиф қилди. Борсак: «Бир ҳафтадан кейин Рамазон ойи бошланади. Биламан, сизлар рўза тутасизлар. Бизлар бу ҳақда жуда кўп бош қотирдик. Сизлар учун ифтор дастурхонини кўнгилдагидай тузаймиз. Лекин, минг афсуски, саҳарлик учун иссиқ овқат тайёрлаб беришининг иложи йўқ. Бунинг учун сизлардан

узр сўрайман», деб қолди. Алҳосил, Рамазон кўнгилдагидек ўтди...

Олмонияда ҳозирги кунда 2,5 милён турк-мусулмон яшайди. Уларнинг фарзандлари мактаб ва олий ўқув юртларида ўқийдилар. Эътиқодли турк қизларининг аксарияти ўраниб юради. Лекин бу уларга олмон қизлари ва йигитлари билан бир қаторда туришларига халақит бермайди. Аксинча, олмон ёшлари уларнинг ҳаётлари билан кўпроқ қизиқишади, улар билан кўплаб савол-жавоб қилишади. Телевидение ва радиода Ислому насронийликнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳақида турли кўрсатув, эшиттиришлар бўлади. Динга ҳурмат ва эътибор катта. Энг муҳими, олмонлар учун худосизлар бўлмаса бўлгани.

Мен Олмонияда Асиф Иқбол исмли бангладешлик йигит билан танишдим. Бир куни шу йигит: «Биласанми, Бангладеш Ислому давлати, ҳар бир фуқаро ўзини мусулмон деб кўксига уради, масжидга боради. Лекин ноинсофлик, ўғрилиқ, ёлғончилик кўп. Мен ҳақиқий мусулмон фазилатларини ўзим билан ишлаётган олмонларда кўрдим: ўғрилиқ, биронинг ҳаққига хиёнат қилмайди, ишини ҳалол бажаради, ароқ ичмайди, зино қилмайди. Агар шу кишилар ҳамма фазилатлари қаторига Аллоҳга имон келтирганларида ҳақиқий мусулмон бўлардилар», деб қолди...


Олмонияда ҳаёт қанчалик яхши бўлмасин, барибир ҳар дақиқада она юртимизни соғиндим. Ватан соғинчи қанчалик оғирлигини фақатгина мусофир бўлганлар тушунади. Шундай вақтларда машҳур қўшиқни тинглашдан зерикмадим:

«Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан...»

Аллоҳ ҳеч бандани тўғри йўлдан адаштирмасин. Омийн!



Бошқотирма



Бўйига: 1. Қироат қоидалари. 2. Шаҳар номи. 3. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) энагалари. 4. Пайғамбар. 5. Қайғу, ғам. 10. Мутасаввиф олим, шайх. 11. Қуръон бўлаги. 13. Пойтахт шаҳар. 14. Кечериш. 16. Қуръон тили. 20. Ибодат. 21. Нафл намоз тури. 22. Етуклик ёши. 27. Бажарилиши шарт бўлган амал. 28. Аввалдан ўлчаб қўйилган. 30. «...ул мақсуд». 31. Эҳсоннинг бир тури. 32. Ҳар кимнинг қўлида. 33. Мамлакат. 34. Буюк неъмат. 35. Сура номи. 36. Юксак илмий даража соҳиби. 37. «Кўкрак»нинг маънодоши. 41. Муқаддас шаҳар. 42. Улуғ фақиҳнинг исми. 43. Давлат тузуми. 45. Саъдий асари. 47. Тери.

Энига: 2. Хотамун набий. 6. Ҳадис тури. 7. Мадинага тарихий кўчиш. 8. Масжиднинг энг мўтабар жойи. 9. Йиғилиш. 11. Тоғ номи. 12. Саҳоба. 15. Ранг. 17. Намознинг қабул бўлиш шартларидан бири. 18. Шифобахшлиги Қуръонда айтилган таом. 19. Соғлиқ учун зарар. 21. «Юз»нинг маънодоши. 23. Ёмонликлар онаси. 24. Мўминларнинг мангу маскани. 25. «Инжил башорати» соҳиби. 26. Саждаи саҳв ножиоз намоз. 27. Ўлчови икки кило бўғдой. 29. Ой номи. 37. Шоҳлик белгиси. 38. Эронда кенг тарқалган мазҳаб. 39. Автокомпания. 40. Мева. 42. Ганч тури. 44. Кийимнинг бўлаги. 46. Дастлабки. 48. Кийим.

Тузувчи **Латофат АБДУХАЙР** қизи,
Хадичаи Кубро аёл-қизлар ўрта-махсус
Ислом билим юрти талабаси

Азиз ватандош!

Сиз **"Ҳидоят"**ни биласиз, албатта. Обуна бўлгансиз, ўқигансиз. Ҳеч бўлмаса, шундай журнал борлигини ёр-дўстларингиздан эшитгансиз. Бу ҳол бизни қувонтиради. Бундан кейин ҳам бирга бўламиз деган умиддамиз.

Ислом тарихи ва аҳқомларини янада яхшироқ билишни хоҳлайсизми? Ўтган пайғамбарлар, хусусан, Муҳаммад алайҳиссалом, шунингдек, саҳобалар ва азиз-авлиёларнинг ҳаётлари ҳақида ибратли ҳикоялар ўқишни истайсизми?

Марҳамат, **"Ҳидоят"**га обуна бўлинг!

Бу дунёда жисмоний-руҳий кишанлардан озод, у дунёда эса охиратингиз обод бўлишини хоҳлайсизми?

"Ҳидоят"га обуна бўлинг ва ўқинг!

Сизни қийнаб турган ижтимоий-маиший, оилавий жумбоқларга динимизнинг жавобларини ҳам **"Ҳидоят"** саҳифаларидан топасиз, иншааллоҳ.

Билганлар билмаганлардан афзалдир. Ўқимаганлар ўқиганлар билан тенг бўладими! Сиз ўқинг, Сиз биладиганлар сафида бўлинг! **"Ҳидоят"** бу йўлда Сиз билан биргадир.

Обунани барча алоқа бўлимларида ёки ён-атрофингиздаги масжидларда расмийлаштирингиз мумкин. Нашр кўрсаткичимиз 1034.

"Ҳидоят" чилар